ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ РАИСЛИГИДА 8 ЯНВАРЬ КУНИ ЖОРИЙ ЙИЛГИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ВИДЕОСЕЛЕКТОР ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ.


# HUQUQ

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq.uz 2019-у. 10-YANVAR, №2 (1147)


BOSH PROKURATURADA

# Касб байрами муносиб нишонланди

Жорий йилнинг 8 январь куни Бош прокуратурада Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимлари кунига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.



Унда Бош прокуратура, Ҳарбий прокуратура, Бош прокуратура ҳузуридаги Департамент, Мажбурий ижро бюроси ва Инспекция ходимлари иштирок этди.

Байрам тадбирини Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Отабек Муродов кириш сўзи билан очиб, тизимда фаолият олиб бораётган ходимларни байрам билан табриклади.

— Бундан икки йил аввал муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан прокуратура органлари мақоми ва фаолият самарадорлигини янада ошириш, ходимларнинг ўз хизмат вазифаларини сидқидилдан бажаришини рағбатлантиришга қаратилган муҳим ҳужжат — "Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"ги Қонун имзоланган эди. Кейинги йилларда Давлатимиз раҳбари томонидан прокуратура органларига юксак ишонч билдирилиб, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида олдимизга муҳим вазифалар қўйилди. Ислоҳотларни амалга оширишда прокуратуранинг роли ва ўрнини оширишга жуда катта эътибор қаратилиб, ташкилий тузилмалар ислоҳотларга монанд равишда ўзгартирилди, қўшимча штат бирликлари ажратилди, ходимларнинг моддий ва ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга доир чоралар кўрилди, — деди Бош прокурор.

Тадбирда барча йўналишларда Давлатимиз раҳбари белгилаб берган вазифалар ижросини таъминлашда тизим ходимлари фаол иштирок этаётгани таъкидланди. Хусусан, "Ёшлар — келажагимиз", "Обод маҳалла", "Обод қишлоқ" каби дастурларни амалга татбиқ этишда, Президентимиз ҳудудларга ташрифлари давомида берган топшириқларнинг амалга оширилишида тизим томонидан кенг кўламли ишлар амалга оширилгани қайд этилди.

Шунингдек, айни вақтда прокурор назорати фаолияти айбдорларни топиб жазолашга эмас, балки тизимли муаммо ва камчиликларни аниқлаб бартараф этишга йўналтирилаётганлиги маълум қилинди.

Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида прокуратура органлари ходимлари халқ оғирини енгил қилиш, йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этиш, аҳоли фаровонлигини ошириш, иқтисодий ўсишни таъминлаш каби Давлатимиз раҳбари белгилаб берган вазифалар самарали амалга оширилишида нафақат назорат ўрнатмоқда, балки бу ишларда яқин кўмакчи ва ташаббускор ҳам бўлмоқда.

Шунингдек, тадбирда Президентимизнинг 28 декабрь куни Олий Мажлисга Мурожаатномасида мамлакатни ривожлантиришнинг устувор вазифалари белгилаб берилгани, шу муносабат билан мазкур вазифаларни амалга ошириш, прокуратура ходимларидан қонунлар ижросини таъминлашда алоҳида масъулият, қатъиятлилик ва ташаббускорликни талаб этиши қайд этилди.

Тадбирда Бош прокурор буйруғига асосан фидокорона ва ҳалол меҳнати билан жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда қонунийликни таъминлашга ўзининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келаётган ва хизмат вазифаларини намунали бажараётган бир қатор ходимлар тақдирланди.


**Джахонгир МИРСАФАЕВ,**
Бош прокуратура бошқарма бошлиғи


FAOLIYAT

# ХАЛҚ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ

## *прокуратура органларининг устувор вазифаси*

**Бугунги кунда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида "Одамлар ўзларининг ҳаётидан рози бўлиши керак", деган ҳаётбахш ғоя ётади. Шу маънода 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси давлат ва жамиятнинг бош мақсади — одамларнинг турмуш даражаси ва сифатини янада оширишни таъминлашга қаратилганлиги билан ниҳоятда муҳим аҳамият касб этмоқда.**

Таъкидлаш лозимки, давлатимиз ва жамиятимизни ривожлантиришнинг мутлақо янги босқичини бошлаб берган Ҳаракатлар стратегияси Конституциямизнинг асосий демократик нормаларини босқичма-босқич амалга ошириш доирасида демократик янгиланиш ва модернизация жараёнларининг мантиқий ва қонуний давоми ҳисобланади.

Унда бешта устувор йўналиш, яъни давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш ҳамда хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш каби устувор йўналишлар белгиланган.

Қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифаси бўлиб, бугунги кунда ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш, мурожаатлар билан ишлаш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган қонунлар ижросини назорат қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу ўз навбатида, халқимизнинг прокуратура органларига бўлган ишончи янада мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги "Ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда прокуратура органларининг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Фармони билан "Халқ манфаатларига хизмат қилиш" прокуратура органларининг устувор вазифаси этиб белгиланди.

Бу мақсадда, асосий эътибор — прокуратура оддий одамларни ҳимоя қиладиган, Давлатимиз раҳбари барча давлат хизматчилари олдига қўйган устувор вазифа "одамларни рози қилиш" каби эзгу мақсадларни амалга оширадиган халқчил прокуратурага айлантиришга қаратилди.

Қўйилган вазифаларни самарали ва тезкор бажарилишини таъминлаш учун, Давлатимиз раҳбарининг прокуратура фаолиятини замонавий талаблардан келиб чиққан ҳолда такомиллаштиришга доир қатор ҳуқуқий ҳужжатлари қабул қилинди.


**Ҳалим БОЛТАЕВ,**
Бош прокуратура бошқарма бошлиғи



**Давоми 6-7-бетларда**

# ТАРҒИБОТ ФАОЛИЯТ КЎЗГУСИДИР

**Сурайё РАҲМОНОВА,**
Бош прокуратура бўлим бошлиғи вазифасини бажарувчи

**Фуқароларни давлат ва жамият ҳаётида юз бераётган сўнгги ўзгаришлардан хабардор қилиш ижтимоий фикрни янада соғломлаштириш, жамиятда ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда муҳим ўрин тутади. Шу боис ҳам, бугунги ислоҳотлар жараёнида асосий эътибор мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланишлар, жамият ҳаётидаги туб ўзгаришлар, сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлар ҳақида кенг жамоатчилик ҳамда аҳолини хабардор қилиб бориш, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунчиликдаги янгиликлардан аҳолини тезкор хабардор қилиш масалаларига қаратилаётгани бежиз эмас.**

Дарҳақиқат, тезкор замон, глобаллашув жараёнлари ҳар бир фуқародан, ҳар бир давлат хизматчисидан ижтимоий фаоллик, Ватан тақдирига дахлдорлик ҳамда юксак маънавият талаб этмоқда. Шу боис жамият аъзоларини ислоҳотларнинг моҳияти билан яқиндан таништириш, уларни ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш, уларга миллий давлатчилик анъаналари ҳамда амалдаги ҳуқуқий тизимнинг ишлаш механизмлари тўғрисида зарур маълумотларни етказиш, жамиятда ахборот хавфсизлигини таъминлаш бугунги куннинг олдимизга қўяётган талабидир.

Аҳолини ҳуқуқий ахборотлар билан таъминлашда оммавий ахборот воситалари ва замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан унумли фойдаланиш, ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этади. Кези келганда айтиш керак, бугун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашга эътибор ҳар қачонгидан ҳам кучайган. Албатта, бу жараёнлар бевосита оммавий ахборот воситалари, жамоатчилик ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ўзаро самарали ҳамкорлиги билан чамбарчас боғлиқ.

Фикримизни жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими мисолида давом эттирадиган бўлсак, бўлим томонидан жамиятда ҳуқуқий маданиятни янада ошириш, соҳада амалга оширилаётган ишлардан аҳолининг хабардорлигини таъминлаш борасида доимий равишда тарғибот тадбирлари ўтказилиб келинмоқда. Бугунги кун талаби ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, www.prokuratura.uz веб-сайти орқали янгиликлар, ахборотлар бериб борилмоқда. Бундан ташқари, прокуратура органлари ва ОАВ ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида Бош прокуратурада оммавий ахборот воситалари вакиллари билан мунтазам учрашувлар ташкил этиш яхши анъанага айланиб бормоқда.

Бугунги глобаллашув шароитида оммавий ахборот воситаларини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш уларнинг фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги ролини, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашдаги фаоллигини янада кучайтиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Прокуратура органлари томонидан мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Бугун прокуратура органлари фаолияти билан боғлиқ хабарлар юзасидан тезкор муносабат билдирилмоқда. Хусусан, марказий матбуот нашрларининг кундалик мониторингида 415 та, интернет сайтларида ўтказилган мониторингда 376 та прокуратура органлари фаолиятига тааллуқли, танқидий, ижобий ҳамда эътиборга молик материаллар аниқланган ва тегишли муносабат билдирилган.

Прокуратура органлари томонидан 2018 йилда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасида жами 111 391 та қонунчилик тарғиботи тадбирлари амалга оширилди. Улардан 91 128 таси маъруза, суҳбат ва бошқа шаклдаги оғзаки тадбирлардан иборат бўлиб, 20 263 тасини оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлар ташкил қилади.




Шунингдек, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, вояга етмаганлар ва хотин-қизларга оид қонунчилик ижроси, мурожаатларни кўриб чиқиш билан боғлиқ масалалар, одам савдоси, гиёҳвандлик ва коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси ҳамда давлат дастурларининг ижросини таъминлаш каби устувор йўналишларда тарғибот тадбирларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда ҳар бир соҳада ошкоралик ва шаффофликни таъминлашга эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Негаки, аҳоли ҳуқуқ-тартибот идоралари бўладими, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи бўладими, нодавлат ташкилотлар бўладими, уларнинг ислоҳотлар жараёнидаги иштироки қай даражада эканлигидан бевосита хабардор бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам оммавий ахборот воситалари, театр ва кино ижодкорлари билан ҳамкорлик қилиш борасида асосий эътибор оммавий ахборот воситалари орқали прокуратура органлари томонидан олиб борилаётган ишларни кенг ёритиб боришга қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда муаллифлик кўрсатувлари ("Бир жиноят изидан", "Мурожаатлар ва қонун", "Жараён", "Жиноятчиликка муросасизлик — жамият тараққиётининг гарови") доимий равишда эфирга узатиб келинмоқда. Бундан ташқари, Бош прокуратура ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази томонидан ҳафтада бир марта "Ўзбекистон-24" телеканали орқали "Қонун номи билан" рукни остида кўрсатув эфирга берилаяпти. Шунингдек, МТРК телеканаллари орқали намойиш қилинаётган "Тадбиркорлар телеклуби", "Эркин фикр", "Ўз уйингни ўзинг асра", "Муносабат плюс", "Халқ виждони" каби дастурларга мунтазам тақризлар берилиб, уларда прокуратура органлари ходимларининг иштирок этиши таъминланмоқда.

2018 йилда прокуратура органларининг жамоатчилик билан самарали алоқаларини таъминлашга, фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишга, прокуратура органлари фаолияти ҳақида жамоатчилик фикрини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Бош прокуратурада ўтказилган 14 та тадбирга 46 дан ортиқ босма ва электрон оммавий ахборот воситалари вакиллари таклиф қилиниб, мазкур тадбирлар 103 маротаба телевидениеда, 41 маротаба радиода, 19 маротаба матбуотда ҳамда 45 та турли веб-сайтларда кенг ёритилди.

"Ўзбекистон-24", "Ўзбекистон", "Ёшлар", "Тошкент" ва бошқа телеканаллар орқали прокуратура органлари фаолияти, улар томонидан амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида жами 355 та лавҳа эфирга узатилиб, уларда прокуратура ходимларининг 227 та чиқишлари (интервью) амалга оширилди.




Шунингдек, вилоятлар телерадиокомпаниялари орқали эфирга узатиладиган "Халқ билан юзма-юз" телекўрсатувларида вилоятлар, туман-шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар мунтазам иштирок этиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ижроси юзасидан прокуратура органлари томонидан кўрилаётган чоралар хусусида аҳолини хабардор қилиб бормоқда. Бундай телекўрсатувларга фуқаролардан келиб тушаётган турли саволларга жавоблар бериш билан бирга масалани ҳал этишда амалий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш чоралари ҳам кўрилмоқда.

Шиддат билан ривожланаётган ахборот асрида яшар эканмиз, фаолиятимизни ҳам мана шундай замон талабларидан келиб чиққан ҳолда ривожлантириб боришимиз шарт. Бу борада ўтган йилда Бош прокуратуранинг янги веб-сайти ишга туширилиб, унинг "Facebook", "Instagram" ва "Telegram" ижтимоий тармоқларида саҳифалари юритилиши йўлга қўйилди. Жамоатчилик билан яқин алоқа ўрнатиш ҳамда прокуратура органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш мақсадида Бош прокуратура расмий сайтига 286 та, "Facebook" ижтимоий тармоғига 257 та, "Telegram" каналига 101 та расмий хабар ва видеолавҳалар жойлаштирилди.

Жамоатчилик назорати доирасида "Telegram" платформасида мустақил блогерлар томонидан юритилган "Пахта-2018" мурожаатлар ботига келиб тушган барча мурожаатларни тезкорликда ҳал қилиш ва жойларда фуқароларни пахта теримига мажбурий жалб қилиш, ноқонуний пул йиғиш, ишдан бўшатиш ва шунга ўхшаш бошқа ҳолатларни прокуратура органлари томонидан ўрганиш ҳамда қонун доирасида бартараф этиш механизми йўлга қўйилди. Пахта мавсумида ботдан 13 минг 477 киши фойдаланди ва жами 6 623 та хабар келиб тушди.

2017 йил якунланаётганида мамлакатимиз тарихида илк марта Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси тақдим этилган эди. Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган ушбу дастуриламал даражасидаги нутқ асосида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг навбатдаги босқичи бўлган 2018 йилда эл-юртимиз фаровонлигини янада юксалтириш йўлида тўла маънода улкан бунёдкорлик, қурилиш-ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

2018 йил 28 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга навбатдаги Мурожаатномани тақдим этди. Бу сафарги Мурожаатнома ҳам якунланаётган йилда амалга оширилган ишлар ва келаси йилга мўлжалланган режалар, Ватанимизнинг ички ва ташқи сиёсатидаги асосий тамойиллар баён этилгани билан барчада катта қизиқиш уйғотди.

Мурожаатномада жорий йил учун жуда катта режалар белгилаб берилди. Бу эса прокуратура органлари зиммасига жиддий масъулият юклайди. Нега деганда, эзгу режаларнинг амалга ошиши бевосита жамиятда қонунийлик ва қонун устуворлигининг тўла таъминланиши билан боғлиқ жараён ҳисобланади. Бу эса прокуратура органларининг асосий фаолият йўналишларидан биридир.



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 январь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби лавозимига киришган Владимир Норовни қабул қилди.**

# ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ КАДРЛАР — ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

**Евгений КОЛЕНКО,**
Бош прокуратура
Академияси бошлиғи

**Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида инсон ҳуқуқлари кафолатини таъминлашга қаратилган амалий чора-тадбирлар кучайтирилди. Ушбу жараёнда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлашда прокуратура органлари ходимларининг зиммасидаги масъулият янада ортди. Албатта, бу вазифаларнинг самарали бажарилиши прокуратура ходимларидан чуқур билим ва салоҳият талаб қилади.**



Бу эса уларнинг малакасини мунтазам ошириб бориш, амалий ва назарий кўникмаларини такомиллаштириш, касбий қайта тайёрлашни тақозо этади. Ҳуқуқий ислоҳотлар жараёнида прокуратура органлари тизимининг динамик ривожланиши ҳамда олдида турган вазифаларни самарали ижро этиш зарурияти — юқори касбий даражага эга бўлган, замонавий талабларни инобатга олган ҳолда вазифаларини тўлақонли бажара оладиган, халққа хизмат қилишни устувор вазифа, деб ҳисоблайдиган муносиб кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини йўлга қўйиш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилишига сабаб бўлди.

2018 йил 8 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Фармонни ишлаб чиқишда илғор хорижий мамлакатларнинг тажрибалари ҳамда миллий қонунчиликнинг ўзига хос жиҳатлари инобатга олиниб, Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари негизида Бош прокуратура Академияси ташкил қилинди.

Мазкур фармон билан Академия фаолиятининг қуйидаги асосий йўналишлари ва вазифалари белгилаб берилди:

— прокуратура органлари ходимларида касбий билим ва кўникмаларни, шу жумладан, тизимли таҳлил ва танқидий фикрлашни, шахсий ҳамда ишчанлик сифатларини ривожлантириш ва такомиллаштириш, қонунларга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилиши юзасидан адолат ва масъулият каби юксак туйғуларни шакллантириш ва мустаҳкамлашни таъминлашга хизмат қилувчи кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг ягона тизимини ташкил этиш;

— Академия фаолиятига замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини, масофавий таълимни, ўқитишнинг интерфаол ва муаммовий-вазиятли услубларини, тренинглар ўтказишни кенг жорий этиш;

— прокуратура органлари фаолиятини илмий-методик таъминлаш, илмий-амалий ва инновацион тадқиқотлар ўтказиш, қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг долзарб муаммолари юзасидан тизимли асосда илмий-тадқиқот дастурлари ва лойиҳаларини ишлаб чиқиш, шу жумладан, миллий, хорижий ва халқаро грантларни жалб қилган ҳолда амалга ошириш кабилар. Шунингдек, хориж тажрибаси ўрганилган ҳолда, Академия таркибида магистратура бўлимининг ташкил этилиши кўзда тутилди.

Назария ва амалиётнинг узвий алоқасини таъминлаш механизмларини татбиқ этишда Германия, Франция ва АҚШнинг ўқув жараёнига ротация асосида амалдаги прокурорлар ва судьяларни кенг жалб қилиш борасидаги ижобий тажрибасидан намуна олинди. Жумладан, фармонда прокуратура органлари ходимлари Академияда хизматни ўташга келгусида унга тенг бошқа лавозимда хизматни давом эттириши таъминланган ҳолда, ротация тартибида жалб этилиши белгилаб берилди.

Академия таркибида прокуратура органлари фаолиятининг барча йўналишларини қамраб оладиган 7 та кафедра ташкил этилди.

> Таълим соҳасидаги энг сўнгги амалиётларни жорий этиш мақсадида Академия фаолиятига **17** нафар хорижий эксперт, мутахассис ва профессор-ўқитувчилар ҳамкорликка жалб этилди.

Бугунги глобаллашув жараёнида олий маълумотли юристдан нафақат касбий фаолияти бўйича, балки чет тилларни билиши даражаси бўйича ҳам юқори тайёргарликка эга бўлиш талаб қилинади. Ходимларни чет тилларга ўқитиш, хорижий тилларда эркин сўзлаша оладиган прокурорларни тайёрлаш тизимини яратиш мақсадида Тил ўргатиш кафедраси ҳам ташкил қилинди.

Бундан ташқари, Академияда ўқув жараёнини психологик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ходимлар ва тингловчиларда хизмат фаолиятини амалга оширишда зарур бўладиган психологик кўникмаларни шакллантириш мақсадида Психологик таъминлаш бўлими фаолияти йўлга қўйилди.

Прокуратура органларига илк бор ишга қабул қилинган номзодларни қайта тайёрлаш борасида хорижий давлатлар тажрибасига назар солсак, улар Польша, Германия, Франция ва Японияда 2 йилдан 3 йилгача бошланғич қайта тайёрлашни ўтайди. Ушбу ижобий тажрибани эътиборга олиб, номзодлар прокуратура стажёри лавозимига тайинлангунига қадар уларда амалий кўникмаларни шакллантириш мақсадида прокурор-тергов иши ва прокуратура органларида иш юритишни ташкил қилиш асосларини ўқитишга йўналтирилган, давомийлиги 576 соатдан кам бўлмаган касбий қайта тайёрлашдан ўтишлари лозимлиги белгиланди.

Қайд этиш керакки, илгари прокуратура органлари ходимларининг малакасини ошириб боришнинг аниқ муддатлари белгиланмаган ҳамда бу соҳада ишлар тизимли ташкиллаштирилмаган эди. Ушбу масаланинг ечими сифатида фармон билан прокуратура органлари ходимлари малакасини оширишнинг даврийлиги ҳар уч йилда камида бир мартани ташкил этиши тўғрисидаги қоида киритилиб, бу борада амалий механизмлар белгилаб берилди.

Фармон қабул қилинганига кўп вақт ўтмаган бўлса-да, унинг ижроси бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Академия фаолиятининг барча йўналишлари модернизация қилинди. Ўқитишнинг замонавий шакл ва технологияларини жорий этиш, таълим даражасини сифат жиҳатидан ошириш ва тубдан такомиллаштириш, илмий тадқиқотларнинг амалий аҳамияти ва самарадорлигини янада ошириш чоралари кўрилди.

Бунда биринчи навбатда, замонавий талаблар ва стандартларга жавоб берадиган, таълим жараёнини компетенциявий ёндашув асосида прокуратура фаолиятининг асосий вазифа ва йўналишлари билан боғлиқлигини таъминлайдиган ўқув-услубий комплекслар ишлаб чиқилиб, фаолиятга татбиқ этилди.

Академия фаолиятини илғор технологиялар асосида рақамлаштириш, ахборот-коммуникация воситаларини барча жабҳаларда жорий этиш, айниқса, баҳолаш жараёнларида субъектив омилдан воз кечиш масалаларига ҳам асосий урғу қаратилмоқда. Шунингдек, Фармонга мувофиқ фаолиятни самарали ташкил этиш мақсадида яратилган "ProAcademy ахборот-таълим портали" Академияда таълим бериш жараёнини янги босқичга кўтарди.

Портал нафақат масофавий таълим бериш ҳамда ўқув жараёнини мониторинг қилиш, балки электрон ҳужжат алмашинуви, таълим олувчилар учун информацион-ресурс базалардан фойдаланиш, тингловчилар рейтингини шакллантириш, профессор-ўқитувчиларнинг фаолияти самарадорлигини KPI асосида таҳлил қилиш, таҳсил олувчилар томонидан таълимнинг индивидуал траекториясини танлаш ва шу каби бошқа бир қатор имкониятларни беради.

Академия профессор-ўқитувчилари таркиби янгиланиб, илмий салоҳият бир неча бароварга ошишига эришилди. Таълим жараёнига замонавий фикрлайдиган, ўқитишнинг илғор услубларини қўллаш кўникмаларига эга, чет тилларини биладиган, хорижий таълим даргоҳларини битирган, шу билан бир қаторда, прокуратура органларида катта амалий тажрибага эга бўлган малакали кадрларни жалб қилиш чоралари кўрилди. Бугунги кунда Академияда 18 нафар илмий даражага эга ходимлар ишлаб келмоқда. Уларнинг 8 нафари фан доктори ва профессор унвонига эга.

Таълим соҳасидаги энг сўнгги амалиётларни ва умумэътироф этилган халқаро стандартларни жорий этиш мақсадида Академия фаолиятига 17 нафар хорижий эксперт, мутахассис ва профессор-ўқитувчиларни қисқа ва узоқ муддатли ҳамкорликка жалб этиш чоралари кўрилди.

Академиянинг илмий йўналишида ҳам муҳим натижаларга эришилди. Хусусан, Ҳуқуқий муаммоларни илмий-амалий ва инновацион тадқиқ қилиш маркази ўз фаолиятини бошлади.

Фармон ижросини таъминлаш мақсадида, олий ўқув юртидан кейинги таълим институтининг фаолияти ташкил этилиб, суд ҳокимияти, прокурор назорати, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш, адвокатура ихтисослиги бўйича илмий даражалар берувчи республикамизда ягона бўлган Илмий кенгаш очилди. Ҳозирги кунда Академияда 15 нафар докторант ва мустақил изланувчи ўз илмий тадқиқотлари устида иш олиб бормоқда.

Академия фаолиятига бошқаришнинг замонавий усулларидан бири — лойиҳа бошқаруви тизими асослари татбиқ этилди. Унга тегишли мутахассислар жалб қилиниб, профессор-ўқитувчиларнинг лойиҳа бошқарув соҳасида малакаси оширилди. Бу борада махсус сертификатга эга бўлган 3 нафар ходимдан иборат "Лойиҳа офиси" ташкил этилиб, 45 та лойиҳани ўз ичига қамраб олган "Лойиҳалар портфели" шакллантирилди.

Тингловчиларда амалий кўникмаларни шакллантириш учун имитацион суд мажлисларини ўтказиш, ўқ отиш, саф тайёргарлиги ва бошқа спорт машғулотлари ўтказиш учун моддий-техник база мавжуд бўлмаганлиги сабабли илгари ушбу машғулотлар бошқа ўқув муассасалари базасида амалга оширилган. Фармонга кўра, Академиянинг янги қуриладиган мажмуасида спорт мажмуаси, криминалистик полигон, ўқ отиш тирини бунёд этиш, шунингдек, имитацион суд мажлисларини ўтказиш зали, моделлаштириш ва симуляция марказини ситуацион ва симуляциявий машғулотлар ўтказиш учун зарур бўлган ўқитишнинг замонавий инновацион воситалари билан жиҳозлаш борасида ҳам ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йилнинг 31 октябрида қабул қилинган "Жиноий-ҳуқуқий статистика тизимини тубдан такомиллаштириш ва жиноятларни тизимли таҳлил қилиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, Бош прокуратура Академиясида Жиноятларнинг содир этилиши сабабларини тизимли таҳлил қилиш ва ўрганиш маркази ташкил этилди.

Бугунги кунда Марказ томонидан жиноятлар содир этилишининг сабаб ва шароитларини ўрганиш ҳамда диагностика қилиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳолатини таҳлил қилиш, жиноятчилик аҳволи ўзгаришларини криминологик прогноз қилиш, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини методологик ва консультатив таъминлаш, бу борада илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг ижро этилишини мониторинг қилиб бориш, жиноят турлари, жиноятчи ва жабрланувчиларнинг шахси бўйича илмий-амалий изланишлар олиб бориш каби ишлар амалга оширилмоқда.

Фармонга мувофиқ, Бош прокуратура туман (шаҳар) прокурорлари раҳбарлигида жамоатчилик асосида фаолият юритадиган, жиноятчилик содир этилиши сабабларини тизимли таҳлил қиладиган эксперт-таҳлил гуруҳларининг фаолияти тажриба тариқасида Шайхонтоҳур туманида, 2019 йил 1 февралдан бошлаб — Тошкент шаҳрининг бошқа туманларида, 2019 йил 1 июлдан бошлаб — ўтказилган тажриба натижаларини инобатга олган ҳолда республиканинг барча ҳудудларида йўлга қўйилади.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, прокуратура ходимлари юқори касбий малака ва юксак инсоний фазилатлари билан давлат органлари хизматчиларига ўрнак бўлиши, ҳамиша адолат ва қонунийлик ҳимоясида туриши лозим. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси шундай талабларга жавоб берадиган, тизимли таҳлил ва танқидий фикрлаш қобилиятига эга бўлган ходимларни тайёрлаш йўлида фаолият кўрсатиши шубҳасиз.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.**



# ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ

## бугунги давр талабидир

**Олимжон НАБИЕВ,**
Бош прокуратура бошқарма бошлиғи

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг халқаро-ҳуқуқий бошқармаси прокуратура органлари билан хорижий давлатларнинг ваколатли идоралари ўртасида ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим ўрин тутади.**

Бошқарма саъй-ҳаракатлари натижасида 2018 йилда Бош прокуратура томонидан халқаро ташкилотлар ҳамда хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан жиноятчиликка қарши кураш ва прокуратура органлари фаолиятининг бошқа соҳаларида ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган 8 та халқаро ҳужжат имзоланган бўлиб, булар:

1. Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Республикаси ўртасида экстрадиция тўғрисидаги Битим (30.04.2018 йил, Тошкент шаҳри);

2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Америка Қўшма Штатлари Адлия вазирлигининг Федерал тергов бюроси ўртасидаги ўзаро Англашув меморандуми доирасида Ҳаракатлар режаси (16.05.2018 йил, Вашингтон шаҳри);

3. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўртасида ўзаро Англашув Меморандуми (14.06.2018 йил Вена шаҳри);

4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан Корея Республикаси Олий прокуратураси ўртасида 2019-2020 йилларга мўлжалланган Ҳамкорлик Дастури (16.08.2018 йил, Сеул шаҳри);

5. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Қозоғистон Республикаси Бош прокуратураси ўртасида 2019-2020 йилларга мўлжалланган Ҳамкорлик Дастури (20.09.2018 йил, Душанбе шаҳри);

6. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан Россия Федерацияси Бош прокуратураси ўртасида 2019-2020 йилларга мўлжалланган Ҳамкорлик Дастури (20.09.2018 йил, Душанбе шаҳри);

7. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Тожикистон Республикаси Бош прокуратураси ўртасида 2019-2020 йилларга мўлжалланган Ҳамкорлик Дастури (20.09.2018 йил, Душанбе шаҳри);

8. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Германия Халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик фонди ўртасида ўзаро англашув ва ҳамкорлик тўғрисида Меморандум (13.11.2018 йил, Тошкент шаҳри).

Шунингдек, Бош прокуратуранинг БМТ, Халқаро прокурорлар ассоциацияси, Хитой Халқ Республикаси, Швейцария Конфедерацияси, АҚШ, Германия давлатларининг ваколатли органлари ва элчихоналари билан ҳамкорлик алоқалари янги босқичга олиб чиқилди. Жумладан, ушбу ҳамкорлик натижаси ўлароқ, жорий йилда Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси билан биргаликда прокуратура органлари тарихида илк бор 31 нафар прокуратура

> Республикамиз ҳудудида жиноятлар содир этиб, чет элларга қочиб яширинган жами **448** нафар шахсни ушлаб бериш (экстрадиция) тўғрисидаги ҳужжатлар ўрганилиб, халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ, хорижий давлатлар ваколатли органларига юборилди.

фахрийларининг ушбу давлатга маданий танишув ташрифи ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикасининг икки томонлама ва кўп томонлама халқаро шартномалари асосида жиноят ишлари бўйича тергов ҳаракатларини ўтказиб беришда ҳуқуқий ёрдам сўралган хорижий давлатлар ваколатли органларининг жами 420 га яқин илтимосномалари ўрганиб чиқилиб, ижрога қаратилиши таъминланди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси тергов органларининг 250 дан ортиқ алоҳида топшириқларининг халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги ўрганилиб, хорижий давлатлар ваколатли органларига юборилди.

Бошқарма томонидан халқаро қидирувдаги шахсларни ушлаб келтириш (экстрадиция қилиш)га оид материалларни ўрганиб чиқиш ва сифатли расмийлаштирилишига доимий эътибор қаратиб келинмоқда.

Республикамиз ҳудудида жиноятлар содир этиб, чет элларга қочиб яширинган жами 448 нафар шахсни ушлаб бериш (экстрадиция) тўғрисидаги ҳужжатлар ўрганилиб, халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ, хорижий давлатлар ваколатли органларига юборилди, 321 нафар шахс Ўзбекистон Республикасига этап қилиб олиб келиниб, жавобгарлик муқаррарлиги таъминланди.

Бошқарма томонидан тегишли қонун ҳужжатлари талабларидан келиб чиққан ҳолда, чет эл фуқаролари ҳамда хорижий юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашга жиддий эътибор қаратиб келинаяпти.

Чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, чет эл давлатларининг турли ташкилот ва корхоналаридан ҳамда Ўзбекистон фуқароларидан келиб тушган жами 1806 та мурожаатнинг 523 таси бевосита бошқармада ҳал этилди. Ўзбекистон фуқароларининг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида, "Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида"ги Конвенция ҳамда бошқа икки томонлама шартномаларга мувофиқ 403 та мурожаатнинг тегишли хорижий тилларга таржима қилиниши ташкил этилиб, хорижий давлатларнинг ваколатли идораларига юборилди.

Икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва ўзаро муносабатларни ривожлантириш мақсадида Бош прокуратурада халқаро ташкилотлар, хорижий давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ва элчихоналаридан 40 га яқин делегациялар қабул қилиниб, улар билан халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлик масалалари муҳокама этилди. Бундан ташқари, 2018 йилда Бош прокурор иштирокидаги 17 та юқори даражадаги учрашувлар ташкиллаштирилди.

Ўтган давр мобайнида бошқарма томонидан Бош прокуратура раҳбариятининг халқаро-ҳуқуқий ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича хорижий давлатларга расмий ташрифлари юзасидан ташкилий чоралар кўрилиши таъминланди. Шу жумладан, 2018 йилда Бош прокурор

> Ўтган йилда **3** та давлат Бош прокуратуралари билан **2019-2020** йилларга мўлжалланган Ҳамкорлик дастурлари имзоланди.

бошчилигидаги делегацияларнинг чет эл давлатларига 5 та расмий ташрифи амалга оширилди.

Хорижий ташрифлар ҳақида гап кетганда, шуни таъкидлаш жоизки, бир ташриф доирасида бир нечта учрашув амалга оширилиши мумкин. Масалан, Бош прокурор бошчилигидаги Ўзбекистон делегациясининг МДҲга аъзо давлатлар бош прокурорлари мувофиқлаштирувчи кенгашининг 28-мажлиси ва ШҲТга аъзо давлатлар бош прокурорларининг 16-кенгаши йиғилиши доирасида ўтган йилнинг 20 сентябрида Тожикистонга ташрифи давомида 9 та икки томонлама учрашув ташкил этилиб, 3 та давлат Бош прокуратуралари билан 2019-2020 йилларга мўлжалланган Ҳамкорлик дастурлари имзоланди.

Прокуратура органлари ходимларининг малакасини ошириш борасидаги тадбирларни амалга оширишда чет давлатларнинг суд-ҳуқуқ соҳасидаги амалиётини ўрганиш ҳамда улар билан тажриба алмашиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор бериб келинди.

Шунингдек, прокуратура органларининг олдига қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, ходимларни хорижий давлатларга ўқиш, иш ўрганиш, тажриба алмашиш учун қисқа, ўрта ва узоқ муддатли хизмат сафарларига юбориш борасида бошқарма томонидан кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Ходимларнинг малакасини ошириш ва бошқа мақсадларда 2018 йилда прокуратура органларининг 150 нафарга яқин ходимларининг хорижий давлатларга хизмат сафарига юборилиши ташкил этилди.

Шу билан бирга, йил давомида Халқаро-ҳуқуқий бошқарма томонидан халқаро экспертлар иштирокида 20 та халқаро семинар ва давра суҳбатлари ўтказилди.

Бошқарма ходимлари томонидан Бош прокурорнинг 2017 йил 12 сентябрдаги "Прокуратура органларининг жамоатчилик билан алоқаларни таъминлаш ва ҳуқуқий ахборотни етказиш борасидаги фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги 140-сонли буйруғида белгиланган вазифаларни бажариш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, бошқарма ходимлари томонидан тайёрланган "Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Республикаси ўртасида экстрадиция тўғрисидаги Битимни ратификация қилиш ҳақида"-ги Қонун лойиҳаси 2018 йил 28 июнда Сенат томонидан маъқулланиб, 2018 йил 2 июлда қабул қилинди.

Айни пайтда бошқарма томонидан 20 га яқин "Йўл харита"лари билан ишланмоқда.

Маълумки, 2020 йилда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва Бош прокурорларнинг мувофиқлаштирувчи кенгашининг навбатдаги учрашуви Ўзбекистонда ўтказилиши режалаштирилган бўлиб, унга 20 дан ортиқ давлатнинг Бош прокурорлари таклиф қилинади. Мазкур тадбирнинг ташкилий масалалари юзасидан ишлар ҳозирданоқ бошлаб юборилган.



# Ташриф самарали бўлди

**Хушнур МАҚСУДОВ,**
Бош прокуратура
бўлим катта прокурори

**Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва юртимиздаги Исроил элчихонаси кўмагида Бош прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, фуқаролик жамияти институтлари экспертлари ва ходимлари экстремизм ва терроризмга қарши курашиш тизими билан танишиш мақсадида Исроил давлатининг Тель-Авив, Герцлия ва Қуддус шаҳарларига ташриф буюришди.**

Ўзбекистонлик мутахассислар ва экспертлар исроиллик ҳамкасблари билан яқиндан танишишди ва мамлакат хавфсизлик ташкилоти билан ўз билимларини ўртоқлашишди.

Герцлия университетининг Терроризмга қарши кураш маркази мутахассислари диний ва экстремистик гуруҳларда пайдо бўладиган тенденциялар ҳақида маълумотлар беришди. Ўзбек мутахассислари Терроризмга қарши кураш марказининг террорчиларнинг психологик портретларини ўрганиш ва ушбу турдаги жиноятларни бартараф этишнинг олдини олиш масалаларига бағишланган изланишлари билан танишишди.

Исроил экспертларининг таъкидлашича, хавфсизлик ходимлари учун қўшимча махсус ўқув курслари камида уч ой давом этади. Улар бундай курсларда экстремистлар ёки террорчиларнинг салоҳиятини турли хил психологик белгилар билан билиб олиш қобилиятини ўстириш учун ўқитилади. Шунингдек, Исроилда замонавий технологиялар юқори даражадаги самарадорлик билан ишлайдиган ва хусусий, ижтимоий (оммавий) ҳамда давлат инфратузилмасининг барча объектларини қамраб оладиган видео назорати тизимлари қўлланилади. Назорат марказларининг мутахассислари объектлардаги барча видео-ахборотларни жамлашда хавфсизлик ходимлари билан, шунингдек, зарур бўлганда полиция билан яқиндан ҳамкорлик қилади. Шу билан бирга, бу давлатда биринчи навбатда оммавий ахборот воситалари орқали аҳолига етказиладиган махсус ахборот тўпламлари фаолият юритар экан. Бу эса ўз ўрнида аҳолининг ҳар қандай потенциал террористик таҳдидларга тезда жавоб беришига (реакция билдиришига) имкон беради. Мамлакат фуқаролари билан маълумот алмашиш борасида ҳамкорлик қилиш мамлакатдаги ҳар қандай фавқулодда ҳолатнинг олдини олишга ва юқори маҳсулдорликка эга хавфсизлик кучларига эга бўлишга имкон беради.



**Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.**

**_Айни вақтда мамлакатимизда давлат бошқарувини такомиллаштириш ҳамда демократлаштириш, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг самарали рўёбга чиқарилиши эса мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, демократик, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган қонун ҳужжатларини сўзсиз ижро этиш учун прокуратура органларининг куч ва имкониятларини тўлиқ сафарбар қилишни тақозо этади._**





# ИСЛОҲОТЛАРГА КЎМАК БЎЛАЙЛИК!

**Умиджон МУҲАМЕДОВ,**
Бош прокуратура ҳузуридаги Департамент бошлиғининг биринчи ўринбосари

Мазкур жараёнда аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ҳудудларни комплекс ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлигига салбий таъсир этувчи ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини ўз вақтида аниқлаш ҳамда бартараф этиш борасидаги фаолиятни янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 майдаги "Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига асосан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти этиб қайта ташкил қилинди.

Департамент органлари томонидан фармон талабларидан келиб чиққан ҳолда, иқтисодий жиноятларга ва коррупцияга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича фаолиятни комплекс таҳлил қилиш ҳамда қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш борасида 18 та таклиф ишлаб чиқилди. Улардан 2 таси Ўзбекистон Республикаси қонунларида, 6 таси Президент ҳужжатларида, 2 таси ҳукумат қарорларида ва 8 таси қонуности ҳужжатларида ўз ифодасини топди.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг жиддий бузилиши билан боғлиқ 566 та, шу жумладан, чет эл инвесторларининг манфаатларига қарши ҳаракатлар юзасидан 14 та ҳолатда жиноят ишлари қўзғатилди. 8 217 та тадбиркорлик субъектига амалий ёрдам кўрсатилиши натижасида 8 740 та янги иш ўрни яратилди.

Импорт ҳажмини оптималлаштириш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан импортёрлар ўртасида кооперацияни ривожлантириш бўйича Департаментда идоралараро ишчи гуруҳ тузилди. Мазкур гуруҳ томонидан импорт ўрнини босувчи маҳаллий маҳсулотлар юзасидан 98 та кооперация шартномаларини тузишда амалий кўмак бериш орқали 5,7 миллион АҚШ доллари миқдоридаги валютанинг четга чиқиб кетишининг олди олинди. Шунингдек, божхона имтиёзларидан ноқонуний равишда ва асоссиз фойдаланганлик, давлат манфаатларига зид равишда битимлар тузиш ҳамда импорт товарларни ноқонуний равишда реализация қилиш билан боғлиқ 107 та жиноят иши қўзғатилди. Ҳуқуқбузарлар томонидан 24 та ҳолатда божхона тўловлари бўйича берилган 22,3 миллиард сўмлик имтиёзлардан асоссиз фойдаланилганлиги, 15 миллиард сўмлик бюджет маблағлари талон-торож қилинганлиги, 1,7 триллион сўмлик маҳсулотлар нақд пулга сотилиб, банкка инкассация қилинмаганлиги, 76,4 миллиард сўмлик солиқларни тўлашдан бўйин товлаганлик ҳолатлари фош этилди.

> Бозорларда сунъий талабларни вужудга келтирган гуруҳлар фаолиятига чек қўйилмоқда.

Бюджет маблағларини талон-торож қилиш ва улардан мақсадсиз фойдаланиш, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашга қарши курашиш йўналишида 7 440 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, 4 322 та жиноят фош этилди. 3 487 та маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш юритилди.

"Қонуний тадбиркорлик — иқтисодий барқарорлик пойдевори" шиори остида олиб борилган 34,3 мингдан ортиқ профилактик тадбирлар натижасида 3215 нафар шахс ёки 2017 йилга нисбатан 963 тага (2 252) кўп яширин ишлаб чиқарувчи тадбиркорлар фаолияти қонунийлаштирилди. Шунингдек, 732 та яширин цехлар фаолияти қонунийлаштирилиб, 3 364 та янги иш ўрни яратилди. Бунинг натижасида яширин цехларни ташкил этиш билан боғлиқ жиноятлар ўтган йилга нисбатан 21 фоизга камайди.

Валюта "қора бозор"ларида кенг қамровли тезкор тадбирлар ташкил қилиниб, 458 та жиноий, 2 146 та маъмурий иш қўзғатилди. Ноқонуний муомаладаги 3,5 миллион АҚШ доллари ва 9,3 миллиард сўм эквивалентига тенг пул маблағлари ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Хорижий ва миллий валюта банкнотларини қалбакилаштириш билан боғлиқ 57 та жиноят фош этилди.

Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган товарлар нархларини манипуляция қилиш, уларга бўлган сунъий танқислик ва талабни вужудга келтириш, шунингдек, сифатсиз дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг муомалага чиқарилиши билан боғлиқ ғайриҳуқуқий ҳаракатларга қарши курашиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, истеъмол бозорини ҳимоя қилиш, деҳқон бозорларида коррупцияга қарши курашиш ва сунъий талабларни вужудга келтирган гуруҳлар фаолиятига чек қўйиш билан боғлиқ 95 та жиноят иши қўзғатилди. Деҳқон бозорларида "Элга хизмат" ва "Хизмат — беминнат" савдо-харид корхоналари махсус расталарининг ташкил этилиши ва тўсқинликсиз фаолият юритилиши таъминланиб, маҳсулотларнинг тадбиркорлик расталарига нисбатан 20-40 фоизга арзонлаштирилган тартибда сотилиши ташкиллаштирилди. Байрамлар арафасида 169 та бозор ва 61 та аҳоли гавжум бўлган маҳаллада арзонлаштирилган маҳсулотлар ярмаркалари ташкил этилиб, "ишлаб чиқарувчидан — харидорга" тамойили асосида маҳсулотларнинг ортиқча устамаларсиз сотилиши таъминланди.



Деҳқон бозорларида коррупцияга қарши курашиш билан боғлиқ **95 та** жиноят иши қўзғатилди.



Сотиш қоидаларини бузиб савдога чиқарилган **1,2 миллиард** сўмлик дори-дармон воситалари олиб қўйилди.

Департаментда ва ҳудудий бошқармаларнинг навбатчи қисмларида дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларининг ноқонуний савдоси билан боғлиқ мурожаатларни қабул қилиш бўйича "Ишонч телефон"лари ташкил этилди. Дори-дармон воситаларининг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятларни фош этиш борасида мутасадди идоралар билан ҳамкорликда тезкор тадбирлар олиб борилиб, аниқланган ҳар бир ҳолатга қатъий муносабат билдирилмоқда. Хусусан, сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситалари ва тиббиёт буюмлари айланмаси билан боғлиқ 153 та жиноят фош этилди. Дори-дармон воситаларини сотиш қоидаларини бузишга оид 69 та жиноят иши қўзғатилиб, 1,2 миллиард сўмлик маҳсулотлар олиб қўйилди. Дори-дармон ва ижтимоий муҳим турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини белгиланган нархлардан қиммат сотиш билан боғлиқ 1 868 та ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланиб, 890 миллион сўмлик ашёвий далиллар олиб қўйилди. Расмийлаштирилган ҳужжатлар чора кўриш учун ваколатли органларга юборилди.

Хулоса қиладиган бўлсак, Бош прокуратура ҳузуридаги Департамент ходимлари жорий йилда ҳам Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзоларига 2018 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2019 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Мурожаатномасида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, янги солиқ концепциясини ҳаётга татбиқ этиш, "яширин" иқтисодиётга қарши курашиш, бизнес юритиш учун янада қулай шароитлар яратишга, шунингдек, ўзимизда ишлаб чиқарилган ва импорт қилинаётган юқори ликвидли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини жадал давом эттиради.

**2019 йилнинг 8 январь куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов Буюк Британия Фавқулодда ва мухтор элчиси Кристофер Алланни қабул қилди.**










*"Халқимиз эртага эмас, узоқ келажакда эмас, айнан бугун ўз ҳаётида ижобий ўзгаришларни кўришни истайди. Бизнинг меҳнаткаш, оққўнгил, бағрикенг халқимиз бунга тўла ҳақлидир".*

***Шавкат МИРЗИЁЕВ***

# ХАЛҚ МАНФААТЛАРИГА

## ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ

**Давоми.
Бошланиши 1-бетда**

Бош прокуратурада янги 13 та ихтисослашган бошқарма ва бўлимлар ташкил этилиб, Бош прокуратура ҳузурида Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси тузилди.

Бош прокуратура Олий ўқув курслари Бош прокуратура Академияси этиб қайта ташкил қилинди. Академияга ходимларни мутлақо янги усул ва шаклда ўқитиш, магистрлар тайёрлаш ва касб-малакасини ошириш билан боғлиқ масъулиятли вазифалар қўйилди.

Бош прокуратура ҳузуридаги Департамент ташкилий тузилмаси тубдан такомиллаштирилди, фаолият соҳаси кенгайтирилиб, янги ва муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Бош прокуратура тузилмасида жиноий-ҳуқуқий статистика тизимини юритиш, бу борада қонунийликка риоя этилиши ҳамда Ягона ахборот тизимига киритилаётган маълумотларнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги устидан назорат олиб бориш, жиноятчилик ҳолатининг таҳлилини юритиш каби вазифаларни зиммасига олган алоҳида бошқарма ва бўлимлар ташкил этилди.

Эндиликда, жиноятлар, уларни содир этган шахслар ва жиноят ишларининг ягона ҳисоби Бош прокуратура томонидан юритилади.

Шу билан бирга, Бош прокуратура Академияси тузилмасида Жиноятларнинг содир этилиши сабабларини тизимли таҳлил қилиш ва ўрганиш маркази фаолияти йўлга қўйилди.

Прокуратура органлари олдига қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, 2018 йилда прокуратура органлари томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва қонун устуворлигини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, топшириқлари ижросини таъминлаш соҳасида тизимли назорат ўрнатилди.

Бош прокурор ва Бош вазир 1-ўринбосари раҳбарлигидаги ишчи гуруҳлар томонидан ҳудудларга борилиб, Давлатимиз раҳбарининг топшириқлари ижросини таъминлаш, инвестиция лойиҳаларини рўёбга чиқариш, жойлардаги муаммоларни ҳал этишга қаратилган амалий чоралар кўрилди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, **прокурор назорати фаолияти айбдорларни топиб жазолаш эмас, балки тизимли муаммо ва камчиликларни бартараф этиш нуқтаи назаридан** ташкил этилди.

Ишчи гуруҳлар томонидан ўтказилган ўрганишларда 230 дан ортиқ долзарб аҳамиятдаги топшириқлар бажарилмаганлиги аниқланиб, ижросини таъминлашга қаратилган зарур чоралар кўрилди. 144 та тадбиркорлик субъектига 114,5 миллиард сўм, 2,3 миллион евро ва 281,3 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит маблағи ажратилишида амалий ёрдам кўрсатилди.

Шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун 1 121 гектар ер майдони ажратилиб, 126 та қишлоқ хўжалиги техника ва агрегатлари, 9 202 дона маиший газ баллонлари ва уларни ташишга мўлжалланган 19 та автотранспорт воситалари ҳамда 74 турдаги тиббий жиҳозларнинг етказиб берилиши таъминланди.

Ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалда рўёбга чиқаришда ҳам прокуратура органлари томонидан муайян ишлар амалга оширилиб, аҳоли фаровонлигини ошириш, турмуш тарзини яхшилаш, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши учун барча шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

> **144 та** тадбиркорлик субъектига **114,5 миллиард** сўм, **2,3 миллион** евро ва **281,3 миллион** АҚШ доллари миқдорида кредит маблағи ажратилишида амалий ёрдам кўрсатилди.

Жумладан, мутасадди идоралар билан ҳамкорликда аҳолининг бандлигини таъминлаш мақсадида 1 428 та бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Прокурорларнинг амалий ёрдами билан 18 387 нафар ишсиз фуқаро иш билан таъминланди.

Иш ҳақи ва бошқа ижтимоий тўловларнинг ўз вақтида тўланиши бўйича ўтказилган назорат тадбирлари давомида 3 076 нафар фуқаронинг кечиктирилган 3,5 миллиард сўм миқдоридаги иш ҳақи, 1 402 нафар фуқаронинг 829,7 миллион сўм пенсия ва 37,4 миллион сўм нафақа пуллари ундирилиб, 2 907 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқлари амалда тикланди. Судларга 8,3 миллиард сўм қарздорликни ундириш юзасидан 2 213 та даъво аризаси киритилди.

Шунингдек, "Ёшлар — келажагимиз" Давлат дастури ижроси юзасидан прокуратура органлари кўмагида Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда 5 100 дан ортиқ ишчи гуруҳлар ташкил этилиб, ёшларнинг муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш чоралари кўрилди.

Натижада ёшларга оид муаммоларнинг 77,5 мингтаси жойида ҳал этилиб, 44,5 минг нафар ёшлар иш билан таъминланди. 4,6 минг нафар ёшларга 10,1 гектар ер майдони ажратилиб, 305 нафари эса тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши учун бино билан таъминланди. Шунингдек, 109 та "Yoshlar mehnat guzari" ташкил этилиб, 1 272 та иш ўрни яратилди. 18 та "Yosh tadbirkorlar" коворкинг-марказлари фаолияти йўлга қўйилди, 375,7 миллиард сўм кредит ажратилишида кўмаклашилди.

Жумладан, Қуйичирчиқ туманида ҳам дастур ижроси доирасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Прокуратура органлари кўмагида кўрилган чоралар натижасида 3 мингдан ортиқ турли ижтимоий-маиший муаммолар ҳал этилди. Хусусан, 78,5 км. автомобиль йўллари жорий ва капитал таъмирланди, 12 та янги бекат барпо этилди, 22 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган 7 та маҳаллага тоза ичимлик суви етказиб берилиши таъминланди. 10 та намунавий уй-жой, ҳаммом, боғча, болалар ва спорт майдонлари, ёшлар меҳнат гузари ва бошқа инфратузилмаларни ўз ичига олган "Ёшлар — келажагимиз" шаҳарчаси қуриб битказилди.



Ҳар бир жамият фаровонлиги учун аҳолининг саломатлиги муҳим аҳамиятга эга. Шуни ҳисобга олган ҳолда, соғлиқни сақлаш тизимига татбиқ қилинаётган ислоҳотларнинг самарали амалга оширилишини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан республикадаги эркин иқтисодий фармацевтика зоналари фаолиятини ташкил этиш, арзон ижтимоий дорихоналар фаолиятини тўғри йўлга қўйиш борасида ҳар томонлама кўмаклашиш чоралари кўриб борилмоқда. Жумладан, мавжуд 7 та эркин иқтисодий фарм зоналарга ишлаб чиқариш объектларини жойлаштириш ва плантацияларни ташкил этиш мақсадида 681 гектар ер майдони ажратилишида амалий ёрдам берилди. Эркин иқтисодий зоналарнинг бош режаларини ишлаб чиқиш ва уларнинг тасдиқланишида, транспорт-йўл ва муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишда кўмаклашилди.

Бундан ташқари, иқтисодиёт тармоқлари, шу жумладан, қурилиш соҳаларида қонунчилик ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида прокуратура органлари томонидан кенг қамровли назорат тадбирлари ташкил этилди.

Хусусан, республиканинг 159 та туманидаги 417 та қишлоқ ҳамда 41 та туман ва шаҳарларидаги 105 та маҳаллада уй-жойлар, йўллар, инфратузилма объектларини янгидан қуриш ва таъмирлашда прокуратура органлари алоҳида жонбозлик кўрсатди. 2018 йил манзилли дастурига киритилган 1 340 та ижтимоий соҳа объектларининг белгиланган муддатларда қурилиши, реконструкция ва капитал таъмирланиши ҳамда фойдаланишга топширилиши, бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан тизимли назорат ўрнатилди.

Дастур ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган ишчи гуруҳлар томонидан 13 398 та мониторинг тадбирлари ўтказилди, 420 та ҳолатда 8,4 миллиард сўмлик ишлар сифатсиз бажарилгани аниқланиб, бартараф этилиши таъминланди.

Тошкент шаҳар ҳудудидан оқиб ўтувчи канал ва коллекторлар атрофини тартибга келтиришга қаратилган тадбирлар ташкил этилиб, қирғоқ бўйидаги 1 320 та ноқонуний қурилмалар бузилишига ҳамда 153 км. узунликдаги каналлар тозаланишига кўмаклашилди.

Тадбиркорлар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалалари ҳам прокуратура органларининг доимий эътиборида бўлди.

Ўтган йилда 2 469 нафар тадбиркорга кредит, 778 нафарига ер майдони, 108 нафарига бино ажратилишида, 3 027 нафарига муҳандислик-коммуникация тизимига уланишида, 442 нафарига лицензиялар берилишида ҳамда 8 747 нафарига бошқа масалаларда амалий ёрдам берилди.



**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги Республика терминология маркази томонидан «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» асосида «Қорақалпоқ тилининг изоҳли луғати» тайёрланади.**

Шунингдек, 4 731 та янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиши ва 2 889 та фаолиятини тўхтатган ишбилармонларнинг фаолияти тикланишига кўмаклашилди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат ва бошқа давлат органлари томонидан содир этилган 16 мингдан ортиқ қонун бузилиши ҳолатлари аниқланиб, тегишли чоралар кўрилди ҳамда 16 853 нафар тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш, хорижий инвесторлар ҳуқуқларини кафолатли ҳимоя қилиш ҳам прокуратура органларининг энг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Прокуратура органларининг кўмаги билан ўтган йилда кўплаб инвестициявий лойиҳалар амалга оширилиши таъланиб, тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, ушбу туманда фуқаролар билан учрашувларда 10 552 та муаммо ва таклифлар аниқланиб, ҳал этишга қаратилган чоралар кўрилмоқда. Туманда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш ва янги иш ўринларини яратиш мақсадида 687 миллиард сўмлик 79 та лойиҳа (1 466 та иш ўрни) ишлаб чиқилди.

Шунингдек, 2018 йилнинг 15-16 декабрь кунлари Нукус ва Мўйноқ шаҳарларида "Янги Мўйноқ — янги имкониятлар" шиори остида биринчи инвестиция ва туризм бўйича форум ўтказилди. Форумда 200 дан ортиқ чет эл компаниялари, туризм агентликлари ва маҳаллий тадбиркорлик субъектлари иштирок этди.



# ХИЗМАТ ҚИЛИШ

# УСТУВОР ВАЗИФАСИ

минланди. Жумладан, Хитой, Жанубий Корея, Россия, Туркия, Германия ва бошқа давлатларнинг йирик хорижий компаниялари иштирокида республикамизнинг барча ҳудудларида учрашувлар ташкил этилиб, ҳудудларнинг инвестициявий жозибадорлиги намойиш этилди.

Ушбу тадбирларда 200 дан ортиқ инвесторлар иштирок этиб, ташрифлар натижасида 77 нафари билан 1 миллиард АҚШ долларидан зиёд дастлабки келишувларга эришилди.

Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида жами 8 триллион 973 миллиард сўм ва 272 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш ҳамда 94 минг иш ўринлари яратишни кўзда тутувчи 12080 та инвестициявий лойиҳаларнинг ишлаб чиқилиши таъминланди.

Эгасиз деб эътироф этилган 325 та объект давлат ихтиёрига қайтарилиб, жисмоний ва юридик шахсларга тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун ажратилди. Кўрилган чоралар натижасида 2041 та бўш турган объектлар хўжалик фаолиятига жалб этилиб, 7256 та янги иш ўрни яратилишига эришилди.

Таъкидлаш лозимки, Давлатимиз раҳбарининг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгилаб берган топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган Мўйноқ туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича мустақил бошқарма томонидан манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда аниқ тадбирлар белги-




Ўтказилган учрашувларнинг натижаларига кўра, 79 миллион АҚШ долларига тенг бўлган инвестициявий меморандумлар тузилди. Орол денгизи қирғоқларида "яшил қопламани" барпо этиш учун оммавий саксовул экиш тадбири ташкил этилиб, 2 976 гектарига ўсимликнинг экилиши таъминланди.

Туманнинг архитектура ва шаҳарсозлик қиёфасини тубдан яхшилаш мақсадида мавжуд 4 384 та турар жой инвентаризациядан ўтказилиб, туман марказида замонавий, инновацион шаҳарча барпо этиш бўйича Бош режа лойиҳаси ишлаб чиқилди. Лойиҳага мувофиқ, туманда жами 20 та, шу жумладан, 2019 йилда 10 та, 2020 йилда 10 та кўп қаватли уйлар қурилиши режалаштирилди.

Қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат хавфсизлиги ва сув истеъмоли соҳасида назорат тизимини тубдан такомиллаштириш чоралари кўриб борилмоқда.

Бу борада прокурорлар ва Агроинспекция ходимлари томонидан қишлоқ хўжалигининг барча йўналишларида назорат тадбирлари ўтказиб борилди, фермерлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, агротехника тадбирларини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш, умуман, соҳада қонунийликни таъминлаш чоралари кўрилди.

> Прокуратура органларининг амалий ёрдами билан фуқароларнинг **3,5 миллиард** сўм кечиктирилган иш ҳақи ундирилди.

Соҳада мавжуд тизимли муаммолар таҳлилидан келиб чиқиб, мутасадди идоралар билан ҳамкорликда 2030 йилга қадар Қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш концепцияси лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Деҳқон-фермер хўжаликларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга ҳуқуқий-амалий ёрдам кўрсатиш ҳам прокуратура органларининг доимий назоратида бўлди. Жумладан, прокуратура органлари амалий ёрдами билан фермер хўжаликларига 13 041 гектар ер майдони, 70 496 тонна минерал ўғит ва 29 619 тонна нефт маҳсулоти, 583 дона техника, 2 миллиард сўмлик эҳтиёт қисмлар, 83 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди. Шунингдек, 88 минг гектар майдонда агротехник тадбирларни амалга оширишда амалий ёрдам кўрсатилди.

Назорат тадбирлари давомида фермер хўжалиги ишчи-ходимларининг 9 миллиард 392 миллион сўмлик иш ҳақи, 3 миллиард 749 миллион сўмлик дебитор қарздорликларининг ундириб берилиши таъминланди. Шунингдек, деҳқон ва фермер хўжаликлари манфаатларини кўзлаб, судларга 54 миллиард сўмлик 1 972 та ариза киритилди. Кўрилган чоралар натижасида 5 574 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Юртимизни хавфсиз ва тинч ҳудудга айлантириш, фуқароларимизни осойишта ҳаёт кечириши, жиноятчиликка қарши курашни мутлақо янги ва замонавий талаблар асосида ташкил этиш прокуратура фаолиятининг бош мақсади ҳисобланади.

Ўтган йилда ушбу фаолият Давлатимиз раҳбари белгилаб берган устувор қоидалар, яъни ҳуқуқбузарлик ёки жиноят оқибати билан эмас, балки уларни барвақт аниқлаб, бартараф этишга қаратилди.

"Хавфсиз пойтахт" концепцияси жорий этилгани ҳам бу борада муҳим қадам бўлди.

Пойтахтда ташкил этилган 3 сменалик хизматда 54 нафар прокуратура ходимлари ҳам график асосида иш олиб бормоқда.

Сўнгги икки йил мобайнида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчиликка қарши кураш соҳасида мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз натижаларини кўрсатишни бошлади. Шу боис жиноятчиликнинг пасайиш тенденцияси кузатилмоқда.

Прокуратура органлари томонидан аҳоли билан очиқ мулоқот қилиш, ижтимоий-иқтисодий, маиший муаммоларни жойида ҳал этиш, мурожаатларда кўтарилган масалаларни синчковлик билан ўрганиш ва қонуний ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилаяпти.

Хусусан, келиб тушган 433 мингдан ортиқ мурожаатнинг 264 мингтаси бевосита прокуратура органларида ҳал қилинди, 248 мингдан ортиқ фуқаро прокурорлар томонидан қабул қилинди. "Ишонч телефони"га қабул қилинган 87 мингдан ортиқ мурожаат кўриб чиқилди.

Бош прокурор раҳбарлигидаги ишчи гуруҳ томонидан республиканинг барча ҳудудларида сайёр қабуллар ўтказилиб, 348 нафар фуқаро қабул қилинди ва уларнинг муаммолари жойида бартараф этилиши таъминланди.

Мурожаатчиларнинг вақти ва ортиқча оворагарчилигининг олдини олиш мақсадида уларни видеоконференция тизими орқали қабул қилиш йўлга қўйилди. Бу даврда 293 нафар жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари вилоятлардан видеоконференцалоқа воситалари орқали қабул қилинди.

Бош прокуратура томонидан жамият ҳаётининг турли соҳаларига оид 109 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилиб, уларнинг 77 таси қабул қилинди ва амалиётга татбиқ этилди.

Жумладан, 5 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16 та фармони, 28 та қарори ва 4 та фармойиши, Вазирлар Маҳкамасининг 12 та қарори, 3 та фармойиши ҳамда 7 та бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, давлат ва жамият ҳаётида қонунийликни мустаҳкамлаш ҳамда қонун устуворлигининг таъминланиши ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг самарадорлигини оширишда ҳал қилувчи ўрин тутади. Адолат ҳукм сурган жойда тинчлик бўлади, халқда давлатга, ҳуқуқ-тартибот органларига бўлган ишонч, Ватан тақдири ва келажагига дахлдорлик туйғуси юксалади. Аввало, инсон шаънини ҳамма нарсадан улуғ, деб билиш, фуқароларнинг тинч, осойишта, фаровон ҳаёт кечириши учун барча шароитни яратиш прокуратура органлари ходимларининг ҳам энг олий мақсадидир.

Шундай экан, прокуратура органлари ходимлари келгусида ҳам Ўзбекистон Республикаси халқига садоқат билан хизмат қилади. Қасамёдига содиқлик билан, зиммасига юклатилган барча вазифаларнинг сўзсиз ва тўлиқ бажарилишини таъминлашга, юксак ишончга муносиб бўлишга, жамиятда адолат ва қонун устуворлигини ўрнатишга бор куч, билим ва салоҳиятини сафарбар этади.



**Тошкент халқаро аэропорти яқинида кўп қаватли автотураргоҳ қурилади, шунингдек, транспорт логистикаси яхшиланади.**

# Ишонч қозониш — шарафли вазифа

**Демократик давлат бошқарувининг муҳим институти бўлган мурожаат қилиш ҳуқуқини самарали амалга ошириш жисмоний ва юридик шахсларнинг нафақат давлат ҳокимияти органлари фаолиятига таъсир кўрсатишини, балки бошқа ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш имкониятини ҳам яратади. Бу ҳуқуқдан фойдаланиш уларнинг ҳуқуқий муҳофазаланганлигини кучайтиради, бузилган ҳуқуқларини тиклашга ва қонун бузилишлари камайишига кўмаклашади. Мансабдор шахслар ўз ваколатларини суиистеъмол қилишлари ва бошқа салбий ҳолатларга қарши курашиш, давлат органлари томонидан уларга муайян ёрдам ҳамда қўллаб-қувватловни таъминлаш баробарида, инсон манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга хизмат қилади.**

Ўзбекистонда демократияни ривожлантириш йўналишлари орасида ҳокимият институтлари устидан самарали ижтимоий назорат тизими шаклланаётганлигини таъкидлаш лозим. Уни амалга оширишнинг таъсирчан шаклларидан бири эса фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини ҳимоялаш ёки турли ижтимоий муносабат билдириш мақсадида давлат ҳокимияти органларига мурожаат қилиш ҳуқуқидан фойдаланишдир. Давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқи — ҳар бир фуқаро ва юридик шахснинг ажралмас ҳуқуқи бўлиб, у Конституциямизнинг 35-моддасида мустаҳкамланган. Шу билан бирга, давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқи нафақат фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини қўриқлашнинг усули, балки давлат аппарати устидан жамоат назоратини амалга ошириш, уни оптималлаштириш усули ҳамдир. Республикамиз Конституцияси ва қонунларида халқнинг иродаси ифодаланади, бутун жамият, фуқаролар ва давлат манфаатлари акс эттирилади. Асосий қонунимизнинг 15-моддасига биноан, "Ўзбекистон Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар".

Эътиборлиси, мамлакатимизда давлат бошқарувини такомиллаштириш ва демократлаштириш, аҳолининг турмуш даражасини ҳамда сифатини ошириш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида инсон ҳуқуқлари кафолатини таъминлашга қаратилган амалий чора-тадбирлар кучайтирилди. Халқ билан бевосита мулоқотда бўлиш, уларнинг муаммоларини жойида ҳал этиш имкониятининг кенгайгани жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга хизмат қилмоқда. Албатта, бу вазифаларнинг самарали бажарилишида прокуратура органларига ҳам юксак ишонч ва улкан масъулият юкланган. Мазкур вазифаларни адо этишда Бош прокуратуранинг мурожаатлар билан ишлаш бошқармасининг алоҳида ўрни бор десак, муболаға бўлмайди. Бошқарма ходимлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқий манфаатлари ҳимоя қилиниб, уларнинг таклиф ва мурожаатлари ўрганилмоқда, мавжуд қонун бузилиши ҳолатлари бартараф этилмоқда. Прокуратура органларига келиб тушган мурожаатлар сони 2018 йилнинг 11 ойи давомида 433 минг 404 (2017 йил 11 ойида 441 минг 532) тани ташкил этиб, 8 минг 128 тага камайган.



Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Бош прокуратурада "Мурожаатларни телефон орқали қабул қилиш маркази" (1007) ташкил этилган бўлиб, мурожаатларни туну кун қабул қилиш йўлга қўйилган. 2018 йилда 87 минг 49 та мурожаат қабул қилинган. Улардан 15 минг 786 таси қаноатлантирилиб, 66 минг 475 тасига тушунтиришлар берилган. 1931 та мурожаат рад қилинган ва 410 та мурожаат кўрилмасдан қолдирилган. Мурожаатларни кўриб чиқиш натижаларига кўра, 81 та протест, 52 та тақдимнома киритилиб, 4 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилган. Кўпол қонун бузилишлар юзасидан 48 та жиноят иши қўзғатилган.

Бош прокуратурага келиб тушган мурожаатларнинг 264 минг 348 таси бевосита прокуратура органларида ҳал этилган. Шундан 41 минг 447 таси қаноатлантирилган. 7 минг 647 таси рад қилиниб, 215 минг 254 таси бўйича тушунтириш берилган. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида 34 минг 971 нафар шахснинг ҳуқуқлари тикланган.

> Мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний қарорларига нисбатан 1334 та протест киритилиб, **243 та** жиноят иши қўзғатилган.

Давлатимиз ривожланишининг ҳозирги босқичида жисмоний ва юридик шахслар ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг процессуал механизмларини бутун чоралар билан такомиллаштирилишига эҳтиёж сезмоқдалар. Айни вақтда таъкидлаш лозимки, фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқини амалга оширишнинг самарадорлигига ҳокимият идораларига бўлган ишончнинг даражаси; йўлланган мурожаатларни кўриб чиқишнинг натижадорлиги; жисмоний ва юридик шахслар манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги давлат ҳокимияти органлари фаолиятга оид ахборотнинг очиқлиги кабилар таъсир кўрсатади.

Таъкидлаш лозимки, қонунчилигимизда барча фуқаролар қонун ва суд олдида тенг эканлиги белгилаб қўйилган. Ушбу тенглик ҳар кимга тенг ҳажмдаги ҳуқуқ ва эркинликлар бериш билан бирга, уларга бир хил ҳажмдаги мажбуриятлар юклатилишини ҳам англатади. Суд хужжатларини ижро этиш юзасидан 3 минг 474 нафар фуқаронинг ҳуқуқлари тикланган. Шулардан 2 минг 296 таси алимент ундиришни ташкил этади. Фуқароларнинг мурожаатлари юзасидан мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний қарорларига нисбатан 1334 та протест киритилиб, 243 та жиноят иши қўзғатилган.

Бош прокуратура томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш прокурор ходимларнинг иштироки ва уларнинг ҳуқуқий маслаҳатига таянган ҳолда амалга оширилмоқда. Республика бўйича 248 минг 151 нафар фуқаро ва юридик шахслар вакиллари қабул қилинган бўлиб, 80 минг 237 нафар жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари шахсан прокурорлар, 57 минг 570 нафари эса прокурор ўринбосарлари қабулида бўлган.

Республика Бош прокурори томонидан 491 нафар, Бош прокурор ўринбосарлари томонидан 706 нафар жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари қабуллари ташкиллаштирилган. Шу жумладан, фуқароларга ҳар томонлама қулайлик яратиш мақсадида жисмоний ва юридик шахсларни видеоконференция тизими орқали қабул қилиш ҳам йўлга қўйилган бўлиб, 2018 йилда 293 нафар жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари видеоконференцалоқа воситалари орқали қабул қилинган.

Мухтасар қилиб айтганда, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, прокуратура ходимлари юқори касбий малака ва юксак инсоний фазилатлари билан давлат органлари хизматчиларига ўрнак бўлиши, ҳамиша адолат ва қонунийлик ҳимоясида туриши лозим.

**Анвар ИХТИЯРОВ,**
Бош прокуратура бошқарма бошлиғи ўринбосари

JARAYON

# Тизимда туман тарқади

## истеъмолчининг тўлов маданияти юксалмоқда

**Нафақат кундалик ҳаётимизни, балки жамиятимиз тараққиётини ҳам иқтисодиётнинг қон томири бўлмиш энергетика тизимисиз тасаввур қила олмаймиз. Бу ресурслардан оқилона фойдаланиш ва қадрига етиш эса ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз эканлигини ҳам зинҳор унутмаслигимиз шарт.**

Шундай бўлса-да, яқин ўтмишда муаммоли бир ҳолат мавжуд эдики, унга алоҳида тўхталиб ўтмасликнинг иложи йўқ. Ўша пайтда ҳам тегишли қонун-қоидаларга риоя қиладиган, истеъмол қилинган энергия ресурслари учун тўловларни нафақат ўз вақтида, балки олдиндан тўлаб қўядиган фуқароларимиз талайгина эди (шукрки, улар ҳозир ҳам кўпчиликни ташкил этади). Шу билан бирга, баъзи фуқаролар "хизмати ёққани билан, пули чақади" қабилида иш кўриб, яъни энергия ресурсларига тўғридан-тўғри, ҳисоблагичсиз уланиб, давлатга катта миқдорда моддий зарар етказишаётганди. Уларнинг бу қилмишларини эса газ ва электр идораларининг баъзи ходимлари қандайдир ҳақ эвазига хаспўшлаб келганликлари ҳам афсуски, бор ҳолат. Натижада эса айниқса, табиий газдан қарзи йўқ хонадонларнинг қарздорлар рўйхатига тушиб қолиш ҳолатлари, яъни нореал қарздорликлар юзасидан шикоятлар кўпайган, қисқача қилиб айтганда, бу тизим гўёки туман ичида қолгандек, ўзибўларчилик авж олган эди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, бу масалага ҳукуматимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилди. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони билан бундай ҳолатларга чек қўйилмоқда. Ушбу фармон билан тизимда йиғилиб қолган камчилик ва муаммоларни ҳал этиш, таъминотчи корхоналар, истеъмолчиларнинг масъулияти ҳамда жавобгарлигини кучайтириш, тўлов интизомига қатъий амал қилинишини таъминлаш борасидаги долзарб вазифалар аниқ-равшан белгилаб берилди. Шунингдек, ишлатилган энергия учун ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш муҳитини ҳамда энергия ресурсларини талон-торож қилиш каби ҳолатларга нисбатан муросасиз муносабатини шакллантириш, энергия ресурсларидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш масалалари ҳам назоратга олинди.

> Тизимда шикоятлар кўпайиб, ўзибўларчилик авж олган эди.

Мажбурий ижро бюросининг Тошкент шаҳар бошқармаси ходимлари томонидан юқорида қайд этилган фармон ҳамда қарор ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Олиб борилаётган тушунтириш ишлари, қарзларни ундириш юзасидан кўрилаётган қонуний чоралар туфайли сезиларли натижаларга эришилмоқда. Жумладан, 2018 йилда истеъмолчилардан истеъмол қилинган энергия ресурслари ва сув таъминоти бўйича жами 2,7 триллион сўмдан ортиқроқ маблағлар ундирилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш учун тўловларни тўлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳам қабул қилинди. Мазкур фармон билан Мажбурий ижро бюроси зиммасига жорий йилнинг 1 январидан бошлаб қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун аҳоли томонидан мажбурий тўловлар тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини таъминлаш бўйича нафақат қўшимча вазифа юклатилди, шу билан бирга, яна бир бор ишонч ҳам билдирилди.

Тўғри, юридик ва жисмоний шахслар томонидан энергия ресурсларидан фойдаланишда хатоликларга йўл қўйилиши ҳолатлари ҳамон учраб турибди. Айниқса, ўзибўларчилик, масъулиятсизлик, мансабни суиистеъмол қилиш каби ҳолатлар кишини ташвишга солмоқда. Шундай бўлса-да, аҳоли билан ўтказилаётган учрашувлар, тарғибот-ташвиқот тадбирлари бундан кейин ҳам ўз самарасини беради ва истеъмолчиларда тўлов интизоми янада мустаҳкамланади, деб умид қиламиз.

**Эркин ХОЛМАТОВ,**
Мажбурий ижро бюросининг Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи



**5-6 февраль кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг узоқ муддатли ривожланиш стратегияси лойиҳаси муҳокамасига бағишланган II халқаро форум ўтказилади.**



**1991 йил 31 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари ҳақида"ги Қонун, шу қонунга мувофиқ, 1992 йил 8 январдаги Ўзбекистон Президентининг Фармони билан Иттифоқ қарамоғидаги Ўзбекистон ССР прокуратурасининг Ўзбекистон Республикаси прокуратурасига айлантирилиши прокуратура органларининг ҳақиқий мустақиллигини, мутеликдан озод бўлганлигини таъминлади ва прокурорларнинг ўзларига юклатилган назорат ваколатларини эркин равишда амалга оширишини таъминлашда ижобий роль ўйнади.**

# ФИДОЙИЛИК, ҲАЛОЛЛИК — БОШ МЕЗОН

**Бахтиёр ПЎЛАТОВ,**
Бош прокуратура Академияси
кафедра профессори,
3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси

"Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилинишини прокуратура жамият ҳаётида муҳим ўрин тутишини қайд этиш баробарида, бу органга ишонч, прокуратура ходимларига эса эътибор, деб биламиз. Бундай ишонч ва эътибор прокуратура органлари ходимлари мақомини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш борасидаги прокуратура фаолияти самарадорлигини оширишга, уларнинг ўз хизмат вазифаларини виждонан бажаришига ҳамда касбий фаолиятда янада масъулиятли бўлишига хизмат қилади.

Бугунги кундаги прокуратура органлари фаолияти ва функцияларини собиқ иттифоқ давридаги, ҳаттоки, мустақилликнинг бошланғич йилларидаги фаолияти доиралари билан мутлақо тенглаштириб бўлмайди. Муқаддам, кўп йиллар давомида жиноий жавобгарликнинг амалга оширилишида таъқиб этувчи ёки содда қилиб айтганда, "қораловчилик" вазифасини бажариб келган прокуратура органлари эндиликда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият

> Ҳар бир прокуратура ходими — олижаноб халқимизнинг ҳақиқий ҳимоячиси, адолат ва қонунийлик посбони.

ва давлат манфаатларининг ҳимоячиси сифатида эътироф этилди.

"Прокуратура тўғрисида"ги Қонунга (янги таҳрирдаги) мувофиқ, "Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш" прокуратура органларининг асосий вазифаларидан бири ва "Фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат" эса прокуратура органларининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланди.

Юртимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотлар натижасида жамият, фуқаро, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларига давлат ёндашувини жиддий такомиллаштириш ва давлат бошқарувининг жаҳон андозаларига мос янгича ҳуқуқий механизмини шакллантириш йўли танланган. Бу каби вазифаларни бажаришда ҳуқуқни муҳофаза этувчи давлат органлари тизимида ўзига хос ўринни эгалловчи прокуратура органларининг ҳам ҳиссаси ва масъулияти катта.

Ўтган давр мобайнида орттирган тажрибаларимизга таянган ҳолда айтиш лозимки, прокуратура органлари фаолиятини белгиловчи ҳуқуқий асослар мунтазам такомиллаштирилиб, уларнинг ҳуқуқий мақомига бир қатор ўзгартиришлар киритилиб, прокуратуранинг ҳуқуқни ҳимоялаш ваколатлари кучайтирилишига устувор аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистонда прокуратуранинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш потенциалига талабнинг кучайиши ва уни фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда давлатнинг стратегик манфаатлари билан боғлиқ муҳим ижтимоий вазифаларини ҳал қилишда фойдаланишга оид ўзига хос ижобий тажриба шаклланди. Прокурорлик назорати фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилиши фактларини тезкорлик билан аниқлаш ва бартараф этиш имконини бермоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 7 январда прокуратура органлари ходимлари куни олдидан соҳа ходимлари билан учрашувда: "Одамлар ҳамма нарсага чидаши мумкин, адолатсизликка чидай олмайди. Жамиятда адолат барқарор бўлишида прокуратура органларининг ўрни катта бўлмоғи керак", "Прокуратура органлари ходимларининг иши катта масъулият, фидойилик, ҳалолликни талаб қилади", "Қабул қилинаётган ҳар бир қарор замирида инсон тақдири туради. Шундай экан, етти ўлчаб бир кесиш бу борада асосий мезон бўлмоғи шарт", деб таъкидладилар. Ушбу фикрлар прокуратура органлари фаолиятида дастуриламал бўлмоқда.

## БУГУНДАН БОШЛАНГАН ЭЗГУЛИКЛАР

**Иккиланмай айтиш мумкинки, мамлакатимиз раҳбарининг "Халқимиз эртага эмас, узоқ келажакда эмас, айнан бугун ўз ҳаётида ижобий ўзгаришларни кўришни истайди", деган таъкиди ўтган 2018 йилда чин маънода ўз ижросини топиб борди.**

Бу борада устувор йўналиш, долзарб масалалар, эътироз ёхуд бартараф этиш зарур бўлган камчилик ва муаммолар халқ тақдири, Ватан равнақига дахлдор бўлган барча тизимлар фаолияти, шунингдек, жамиятда қонун устуворлиги, адолат барқарорлигини таъминлашга масъул ва жавобгар саналган прокуратура органлари доирасидаги барча чора-тадбирлар халқимиз розилигига эришишга қаратилди десак, муболаға бўлмайди.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш, турмуш шароитларини яхшилаш, жамиятда ҳуқуқий онг ва маданият даражасини юксалтирган ҳолда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида кўзга кўринарли, эътирофга арзирли ишлар амалга оширилди. Аҳолининг муносиб фаровон турмуш кечиришида муҳим аҳамият касб этувчи омиллар — энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш, коммунал қарздорликларни камайтириш, бир сўз билан айтганда, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ободонлаштириш каби мақсадлар ўз самарасини берди.

Халқимизнинг яшаш шароитлари мунтазам ўрганиб борилиб, уларга қулай турмуш ва маиший шароитлар яратиб бериш доимий кун тартибида бўлди десак, асло хато эмас. Фуқаролар томонидан прокуратура органларига муаммоларни ҳал этишни сўраб қилинаётган мурожаатлар учрашув-мулоқотлар чоғида, ишчи гуруҳлар ёрдами билан туман ёки вилоят миқёсида белгиланган чора-тадбирларда ижобий ҳал этишга эришилмоқда.

Қай бир соҳа бўлмасин, фаолиятидаги ижобийликлар кишига завқ бериши табиий. Одамларни рози қилиш, уларнинг бахтли ҳаёт кечиришлари йўлида адолат принципларига қатъий амал қилиш, шунингдек, эзгулик йўлидаги саъй-ҳаракатлар фаолият мезонига айланган прокуратура органлари ходимларининг бугунига эътибор қаратар эканмиз, борки имкониятни ишга солиб кечагидан бугун яхшироқ самараларга эришилаётганига гувоҳ бўламиз. Зотан, бугундан бошланган эзгуликларгина эртанги куннинг саодатли бўлишига омилдир.

**Санобар ТЎРАБОЕВА,**
Фуқаролик ишлари бўйича
Учқўрғон туманлараро
судининг судьяси

## МАМНУН БОҚАЁТГАН КЎЗЛАР

**Сир эмаски, бугун ҳар бир фуқаро прокуратура органи эшиги олдига ҳеч бир иккиланишсиз, ҳадиксиз ўз мурожаатини олиб борадиган бўлди. Фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги ва маданияти юксалиб, ўз ҳақ-ҳуқуқлари, бурчларини таниб бораркан, йиллаб ҳал бўлмай ётган муаммолар юзага чиқди. Ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг саъй-ҳаракатлари, беминнат ёрдамлари туфайли қанча ҳуқуқи поймол этилганларнинг кўксига шамол тегди.**

Фуқароларнинг турмуш шароитларини юксалтириш йўлида давлатимиз томонидан яратилаётган имкониятларни юзага чиқариш, ишлайман, тадбиркор бўламан, фермерликни йўлга қўяман, ҳунармандчиликни ривожлантираман, деган борки, камарбасталик билан ёнида қўллаб-қувватлаб туриш давлат идоралари, хусусан, прокуратура органлари ходимларининг эзгу амалига айланди.

Бу борада, аввало, коррупцияга қарши курашиш, Президентимиз таъбири билан айтганда, "текшир-текшир", "деди-деди" қабилидаги гаплар асосида жавобгарликка тортишларнинг олдини олиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари бузилиши билан боғлиқ мурожаатларнинг ўз вақтида ҳал этилишига алоҳида эътибор қаратиш халқимизнинг бою бадавлат бўлиши ва албатта, юртимиз равнақининг юксалиши йўлидаги меҳнатлари юзага чиқишида муҳим аҳамият касб этаётгани сир эмас.

Аҳоли ичига кириб бораркансиз, бугун уларнинг кўзларида ўз ҳаётидан, турмушидан, маҳалла-кўйи ва шунингдек, Ватанидан мамнунликни кўриш қийин эмас. Бу эса, уларнинг сўзларида, фаолиятларида ҳам ўз ифодасини топаётирки, юксалаётган юртда ривожланиш сари илгарилаётган чин маънодаги саодатли, фидойи халқ розилигидандир. Зотан, манфаатлар қадрланган давлатдагина шундай фуқаролар камол топиши шубҳасиз.

Биз — маҳалла фаоллари ана шу жараёнларда ҳамиша прокуратура органларининг кўмаги, ёрдамини ҳис этиб келмоқдамиз. Жиноятга жазо бериш эмас, жиноятнинг олдини олиш, илдизини қуритиш борасида маҳалла ҳамда прокуратура органларининг ҳамкорлиги сабаб бугун ҳудудларда жиноятлар сони сезиларли камаймоқда.

**Зариф САИДОВ,**
Қарши шаҳридаги
"Қарлиқхона" МФЙ раиси

## ҲАМКОРЛИГИМИЗ БАРДАВОМ

**Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан прокуратура органлари тизими сўнгги йилларда жадал такомиллашиб бормоқда.**

Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига эътибор кучайгани прокуратура ходимларининг халқ билан бевосита мулоқот олиб бориш, уларнинг муаммоларини жойида ҳал этиш имкониятини оширди.

Айнан шу муносабат билан прокуратура органлари тизимига юклатилаётган янги вазифаларнинг мазмун ва моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида, жумладан, ОАВлар билан ҳамкорликда иш олиб бориш ҳам муносиб йўлга қўйилди.

Ҳуқуқбузарликлар, жиноятчилик, олиб борилаётган профилактик тадбирлар, давра суҳбатлари, соҳа ходимларининг аҳоли билан ўтказаётган очиқ мулоқотлари кенг оммага ҳамкорликда тақдим этиб келинмоқда. Хусусан, коррупцияга қарши курашиш, тергов қилинаётган айрим жиноят ишлари юзасидан терговнинг ҳозирги ҳолати, судлар томонидан оқлов ҳукмлари чиқарилишида прокуратуранинг ўрни, фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ҳимояси изчил ёритиб борилмоқда. Ҳамкорликлар замирида фақат биргина мақсад — халқни рози қилишдек олижаноб истак турибди.

Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, прокуратура органлари ходимларининг иши катта масъулият, фидойилик, ҳалолликни талаб қилади. Куну тун халқ розилиги учун осойишталигимиз, тинчлигимиз йўлида ўз ҳиссаларини беминнат қўшаётган заҳматли соҳа вакилларини касб байрами билан самимий ва қизғин муборакбод этаман!

**Маҳмуджон ПАРПИЕВ,**
Ўзбекистон Журналистлари
Ижодий уюшмаси аъзоси

**Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг матбуот хизматидан маълум қилишларича, жорий йилнинг 1 январидан 533 минг нафардан ортиқ пенсионернинг пенсияси ошди.**




# ОРОЛ ҳаммамизнинг дардимиз

## УНИ АСРАШ БУРЧИМИЗДИР


**Роҳат ЖАББОРБЕРГЕНОВ,**
Орол табиатни муҳофаза қилиш прокурори


**Орол денгизининг бугунги ҳолати ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Бир пайтлар бу ерларда тўлқинлар шовуллаб, балиқ ва турли хил ноёб қушлар галаси ҳукмрон эди. Энди-чи, денгиз қуриб, қирғоқдан юзлаб километр узоқлаб кетди. Қушларнинг ҳам аксарияти бу ерларни тарк этди. Кўп одамларнинг бу ерда яшаш ва меҳнат қилиш умидлари сўна бошлаган эди.**

Фақат мустақиллик шарофати билан Оролбўйи халқларининг пешонасига ҳам ёруғлик тегди. Ўзбекистон раҳбарияти олиб борган тўғри сиёсат туфайли бу ерда ҳаёт қайта жонлана бошлади. Кейинги икки йилда Юртбошимиз саъй-ҳаракатлари билан ҳудудда экологик ҳолат яхшиланди. Мўйноқликлар тоза ичимлик суви билан таъминланди. Янги-янги иш ўринлари яратилди. Президентимиз 2018 йил 15-16 ноябрь кунлари Қорақалпоғистонга сафари давомида Мўйноқ туманига ташриф буюриб, Орол масаласига алоҳида тўхталган эди. Бу ҳудудни янада обод қилиш, саноатни олиб келиш, чорвачилик, балиқчилик ва туризмни ривожлантириш бўйича кўрсатмалар берган эди. 2019-2020 йилларда Мўйноқда 20 та кўп қаватли уйлар қуриш, янги шаҳарча барпо этиш бўйича топшириқ берган эди. Зарур бўлса, тараққиётни Мўйноқдан бошлаш кераклигини уқтирган эди.

Ҳозир бу ерда мазкур устувор вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши раиси ва Қорақалпоғистон Республикаси прокурори томонидан “Ўсимлик дунёси объектларидан самарали фойдаланиш, ёввойи ҳолда ўсувчи қамишни ёқиб юбориш, атмосфера ҳавосини зарарли моддалар билан ифлослантиришнинг олдини олишда амалга ошириладиган ишлар ва асосий вазифалар бўйича чора-тадбирлар” дастури тасдиқланди ва бу борада ишлар бошлаб юборилди. Орол ва Оролбўйи халқлари масаласи дунё ҳамжамиятининг диққат марказида турибди. Яқинда БМТнинг АҚШда бўлиб ўтган форумида Орол масаласи кўриб чиқилиб, минтақага амалий ёрдам бериш бўйича жамғарма ташкил этилганлиги барчани хурсанд қилди. Ҳатто Европанинг бир-иккита давлати бу ердаги аҳволни кўриб, аллақачон ёрдам беришни бошлади. Шунингдек, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида қайд этилганидек, махсус дастурга кўра, Орол денгизининг сувсиз ҳудудида бу йил яна 500 минг гектар ўрмонзор барпо этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ҳудудларидаги экологик муҳитни ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилган Орол табиатни муҳофаза қилиш прокуратураси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуни ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари асосида фаолият юритмоқда. Мазкур ҳудудларда табиатни муҳофаза қилишга оид қонунларнинг ижросини таъминлаш, фуқаролар, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини муҳофаза қилиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш борасида бир қатор ишларни амалга ошириб келмоқда.

Прокуратурамиз томонидан 2018 йилда барча йўналишларда ўтказилган назорат тадбирларида 284 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланди. Жумладан, прокурор протестлари асосида 65 та қонунга зид ҳужжат бекор қилиниб, қонунларга мувофиқлаштирилди. Қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 25 та тақдимнома киритилди. Қонун бузилишига йўл қўйган 50 нафар шахс интизомий, 132 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. Етказилган 46 миллион 367 минг сўм зарар ихтиёрий ундирилди ва қўпол қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан 7 та жиноят иши қўзғатилди. Шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича судларга жами 69 миллион 274 минг сўмлик 4 та даъво аризаси киритилиб, тўлиқ қаноатлантирилди.

> Мўйноқда 2019-2020 йилларда **20 та** кўп қаватли уйлар қурилади ва янги шаҳарча барпо этилади.

Прокуратурамиз фуқаролар ва юридик шахсларнинг вакилларидан келиб тушган мурожаатларни ўрганишда қонунийликни таъминлаш, мурожаатларни ўз вақтида, ҳар томонлама ва холисона кўриб чиқиб, муаллифларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, фуқаро К.Тлеумуратов прокуратурага Кегейли туманидаги Абат-ярмиш канали дамбасидан қизилмия илдизининг ноқонуний кавлаб олинаётганлиги тўғрисида мурожаат қилди.

Мурожаатни ўрганиш давомида фуқаро К.Матиев ёввойи ҳолда ўсувчи қизилмия ўсимлигининг доривор хомашёсини йиғиш ва тайёрлаш учун ваколатли органлардан махсус рухсатнома олмасдан сув фонди ерларидан 1500 метр қисмини ўзи ёллаган экскаваторлар ёрдамида қазиб, жами 7200 килограмм қизилмия илдизини ғайриқонуний равишда йиғиб олган ва уни ўзга шахсларга сотиб, ўсимлик дунёсига 12 миллион 401 минг сўм зарар етказган.

Ушбу қонун бузилиши ҳолати юзасидан фуқаро К.Матиевга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 60-моддаси ва 76-моддаси 1-қисми билан маъмурий иш қўзғатилиб, у суд томонидан қонуний жазога тортилди.

Шунингдек, меҳнат ва ижро интизомини бузган Қизкеткан-Кегейли ирригация тармоқлари бошқармаси Абат-ярмиш тармоғининг ходимларига нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланишда ҳам шундай қонун бузилишлар рўй бермоқда. Масалан, ходимларимизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар билан ҳамкорликда ўтказган назорат тадбирларида Тахтакўпир туманида яшовчи беш нафар фуқаро "УАЗ-469" русумли автомашинада ов милтиғидан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон "Қизил китоби"га киритилган 20 бош жайронни ноқонуний равишда овлаб, ҳайвонот дунёсига 172 миллион 240 минг сўмлик зарар етказгани аниқланди. Бу ҳолат юзасидан ҳам Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, улар қонуний жазога тортилди.

Биз бундан кейин ҳам экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларида ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш бўйича назорат тадбирларини давом эттирамиз. Зеро, инсон ва табиат бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унга зиён етказиш келгусида халқларимиз учун қимматга тушиши шубҳасиз. Шундай экан, табиатни асраш ва уни кўз қорачиғидек сақлаш ҳаммамизнинг кундалик бурчимизга айланмоғи лозим.

# Ихтисослаштирилган прокуратура ишга киришди


**Шамсиддин ТУРДАЛИЕВ,**
Қишлоқ хўжалигида қонунчилик ижроси устидан назорат бўйича Хоразм ихтисослаштирилган прокурори


**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ўтган йил 29-30 ноябрь кунлари Хоразм вилоятига ташрифи жараёнида вилоятда бажарилган ишларни таҳлил қилиш, барча соҳаларни ривожлантириш учун келгусида амалга оширилиши лозим бўлган устувор йўналишлар ва вазифаларни белгилаш юзасидан берган топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан Хоразм вилоят прокуратураси тузилмасида қишлоқ хўжалигида қонунчилик ижроси устидан назорат бўйича Хоразм ихтисослаштирилган прокуратураси ташкил қилинди.**

Ихтисослаштирилган прокурор ҳамда унинг ўринбосарлари зиммасига аниқ вазифалар юкланди. Уларга иш шароитлари яратилди. Бугунги кунда ҳар бир йўналишда фаолият қизғин давом этмоқда. Жумладан, ер майдонларидан самарали фойдаланиш мақсадида вилоят бўйича қишлоқ хўжалиги ер майдонларини тўлиқ хатловдан ўтказишга жалб этилган 50 нафар "Ергеодезкадастр" хизмати ва 40 нафар Агроинспекция ходимларининг кунлик иш фаолияти жойига чиқиб ўрганиш йўли билан назоратга олинди. Ҳудудда қишлоқ хўжалиги ерларидан ҳамда аҳоли томорқаларидан фойдаланиш самарадорлиги аҳволи ўрганилиб, таҳлил қилинди. "Ергеодезкадастр" хизмати раҳбарлари ва мутахассислари билан суиистеъмолчиликка йўл қўймаслик ва жойларда ҳаққоний ҳолатни қайд этиш бўйича профилактик йиғилишлар ўтказилди. Шу кунларда "Геоинформкадастр" корхонаси мутахассислари томонидан вилоят ер майдонлари тўлиқ агротасвирга олиниши назорат қилинмоқда.

Сувдан оқилона фойдаланиш борасида Чапқирғоқ Амударё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ва унинг ҳузуридаги насос станциялари ва бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирокида профилактик йиғилиш ташкил этилди ҳамда улар фаолияти билан боғлиқ статистик кўрсаткичлар таҳлил қилинди. Сув таъминотини ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича давлат раҳбари томонидан берилган топшириқлар ижроси устидан қатъий назорат ўрнатилди. Жумладан, Урганч-Шовот автомобил йўли йўналиши бўйлаб жойлашган 35,2 километр ирригация-мелиорация тармоқларини тозалаш ишларининг бориши ҳар куни жойига чиқиб ўрганилмоқда.

> **536 та** балиқчилик хўжаликларига ажратилган ер майдонларининг тўлиқ хатловдан ўтказилиши устидан алоҳида назорат ўрнатилди.

Балиқчилик тармоғини жадал ривожлантириш мақсадида балиқ етиштириш иншоотлари ва қурилмаларини барпо этиш, инвестиция киритиш, балиқ маҳсулотларини қайта ишлашга оид маълумотлар таҳлил қилинди. Хусусан, фаолият кўрсатаётган 536 та балиқчилик хўжаликларига ажратилган 18 477,5 гектар ер майдонлари "Ергеодезкадастр" мутахассислари томонидан тўлиқ хатловдан ўтказилиши устидан алоҳида назорат ўрнатилди. Фойдаланилмасдан турган 190,5 гектар балиқчилик ҳавзаларининг фаолиятини тиклаш бўйича ташаббускорларни аниқлаш назоратга олинди.

Шоли етиштириш ҳажмини кўпайтириш, уни қайта ишлашда замонавий технологияларни жалб этиш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, ўтган йиллар давомида шоличилик йўналишида амалга оширилган ишлар ҳамда маълумотлар таҳлил қилинди, ушбу даврда йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилишга қаратилган "Йўл хариталари" ишлаб чиқилиб, назоратга олинди.

Мева-сабзавотчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларни қайта ишлаш (қуритиш) қувватларини ҳамда экспорт ҳажмини ошириш мақсадида дастлаб мавжуд фермер хўжаликларига бириктирилган ер майдонлари ва улардаги мевали кўчатларнинг ҳолати таҳлил қилинди. Боғдорчилик фермер хўжаликларига кўчат етиштириб берувчи илмий тадқиқот институтининг Хоразм илмий-тажриба станцияси фаолияти ўрганилди ҳамда унинг фаолиятини тубдан такомиллаштириш юзасидан вазифалар белгилаб олинди.



**Самарқанд шаҳрининг 4 та кўча ва чорраҳасида 15 январдан махсус автоматлаштирилган фото ҳамда видео қайд этиш ускуналари ишга тушади.**



# Ҳалол меҳнат эгасининг қадри баланд бўлади

**Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг ўгитида касб-ҳунар ўрганиш тўғрисида шундай дейди: "Ўғил-қизга ҳунар ва билим ўргатиш керак, токи, бу ҳунарлар билан феъл-атвор гўзал бўлсин". Демак, ота-оналарнинг бурчларидан бири — фарзандларини билимлардан хабардор қилсин, келгусида ана шуларни ўргангач, уларнинг феъл-атвори, одоб-ахлоқи ҳам гўзал бўлишига эришилади.**

**Ўсиб келаётган авлод билимли, ахлоқли бўлиши билан бирга ҳаётда ўз ўрнини топиши, ўзининг шахсий ва ижтимоий ҳаётини йўлга қўя олиши лозим. Ёш авлодни меҳнатга ва касб-ҳунар ўрганишга йўналтириш ниҳоятда аҳамиятлидир. Буюкларимиз айтганларидек, эй фарзанд, огоҳ бўлким, ҳунарсиз киши ҳамма вақт фойдасиз бўлур ва ҳеч кимга фойдаси тегмайди... Баркамол шаклланган инсонларни тарбиялашда — миллат ва халқнинг равнақи, касб-ҳунар ўрганиш ва ҳалол меҳнат қилишида ҳунарнинг қадри баланд.**

**Бугунги кунда ҳам долзарб масалалардан бири бу кадрлар масаласидир. Шуларни эътиборга олган ҳолда, прокуратура органлари ходимларини касбий тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёни доимий равишда такомиллаштирилмоқда. Яқинда ўз иш фаолиятини прокуратурада бошлаган ёшларимизнинг касблари ҳақидаги фикрлари билан қизиқдик.**

## Ҳам машаққатли, ҳам шарафли

**Гуллар шаҳри Наманганнинг Норин туманида туғилганман. Болалигимда устозимиз "Катта бўлганингда ким бўлмоқчисан?", деб сўраганларида, "Прокурор бўламан!", деганим ҳамон ёдимда. Назаримда, ўшанда синфдошларим ҳали бир қарорга келишмаган эди.**

Наманган шаҳридаги "Аниқ ва ижтимоий фанларга ихтисослаштирилган мактаб-интернат"ни тамомлагач, Тошкент давлат юридик институтига ҳужжат топширдим. Афсуски, ўша йили омадим келмади. Эҳтимол, билимим камлик қилгандир?

Иродамни ишга солиб, тушкунликка тушмадим ва "Келгуси йили албатта, ўқишга киришим шарт", деган аҳд ҳамда мақсад билан яна тайёргарликни давом эттирдим. Толеим кулиб, 2007 йилда Наманган давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетига давлат гранти асосида ўқишга кирдим.

Вақт шиддат билан ўтди, ўқидик, билим олдик. Ўқишни тамомлаганимизда қалблар орзуларга лиммо-лим эди. Мен фақатгина прокурор бўлиш истагида ёнардим.

Ҳаёт машаққатсиз бўлмайди, деганларича бор экан. Мени бу соҳада тайёр иш кутиб турмаганини ҳис этиб, дастлаб суд органларида фаолият бошладим. Лекин, барибир юрагимдаги прокурор бўлиш иштиёқи сўнмаган, бу касб мени ўзига тортаверарди.

Ва ниҳоят, орзуларим ушалди. 2017 йилда суҳбатдан муваффақиятли ўтиб, Андижон вилояти, Жалақудуқ туман прокурорининг ёрдамчиси лавозимида иш ўрганувчи вазифасига тайинландим.

Прокуратура мен ўйлаганчалик осон соҳа эмас экан. Бежизга устозлар бу касбни ҳам машаққатли, ҳам шарафли, деб айтишмаган экан. Зиммамда ўта катта масъулият, қалбимда улкан аҳд билан астойдил ишга киришдим. Уйдан узоқда, ёру биродарлар, қариндошлардан йироқ...

Қийналган кезларим устозим — туман прокурорининг ўринбосари Нодирбек Маматазизов доим тўғри йўл кўрсатиб келдилар, касб сир-асрорларини ўргатдилар. Фидойилик билан ишласанг, вақт ўтгани билинмас экан. Бир йил ўтмай аттестациядан ўтиб, прокуратура тезкор ходими бўлдим.

Қасамёд қилаётган чоғимда олдингидан кўра иродали бўлишим, энди зиммамга аввалгидан кўра кўпроқ вазифалар юкланаётгани, бундан-да масъулиятли ва шижоатли бўлишим лозимлигини ҳис этдим.

Бир муддатдан сўнг вилоят прокуратурасида бўлим прокурори лавозимига тайинландим. Бу вазифа менга янада кўпроқ масъулият юклади.

Ҳозир халқимга сидқидилдан садоқат билан хизмат қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман.

**Қаҳрамон ТУЛАШЕВ,**
Андижон вилоят прокуратураси бўлим прокурори

## Касб — умр йўлимизнинг ажралмас қисми

Олий ўқув юртига кириш учун имтиҳонларга тайёрланиб юрган пайтларимда прокуратуранинг мамлакатимизда қонунларни аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назорат қилувчи орган сифатида тасаввурга эга эдим.

Олий ўқув юртини тугатдим, шу соҳада ишлашга астойдил бел боғлаганим учун белгиланган синовлардан муваффақиятли ўтиб, ўтган йилнинг 8 ноябрь кунидан Самарқанд шаҳар прокуратурасига иш ўрганувчи сифатида ишга қабул қилиндим. Қисқа фаолиятим давомида бу касб ўта масъулиятли эканлигини тўла тушундим.

Ҳозирда Самарқанд шаҳар прокурорининг ёрдамчиси лавозимида фаолият олиб боряпман. Тизимда берилган ҳар бир вазифага чуқур ёндашилмас экан, билингки, кимнингдир ҳуқуқи поймол бўлади. Ана шуни англаган ҳолда, мен ҳар бир вазифани бор куч ва ғайрат билан бажараяпман.

Бундан ташқари, прокуратура органларида меҳнат қилаётган ҳар бир ходим учун етарлича шароит яратилганлигига, бунга жавобан эса тизимда интизом ва касб одобига қатъий риоя этиш талаб этилишига, тажрибали ва ёш ходимлар ўртасида устоз-шогирд анъаналарининг тўғри йўлга қўйилганлигига, прокуратура органлари ходимларининг маънавий ва ахлоқий хислатларига алоҳида эътибор қаратилишининг гувоҳи бўлдим.

Ҳозирги кунда прокуратура органлари мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлардан келиб чиқиб, жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика қилиш билан бир қаторда, юртимизда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришга, инвестицияларни кенг жалб этишга, мамлакатимизнинг импорт ва экспорт салоҳиятини оширишга алоҳида ҳисса қўшиб келмоқда.

Мен ҳукуматимиз томонидан ҳозирги кунда тизим олдига қўйилган вазифаларни тўлиқ англаган ҳолда, уларни амалга ошириш учун бор куч ва билимимни сафарбар этавераман.

**Обид АБИЛОВ,**
Самарқанд шаҳар прокурорининг ёрдамчиси

## Қасамёдга содиқ бўламан!

Мен мактабда ўқиб юрган пайтларимдаёқ отамга ҳавас қилиб, ҳуқуқшунос бўлишни орзу қилгандим. Шу сабабдан мактабнинг 9-синфини тугатиб, Тошкент юридик коллежига ўқишга кириб, уни 2013 йилда тугатдим. Шу йили Тошкент давлат юридик университетига ҳужжатларимни топшириб, имтиҳонлардан муваффақиятли ўтдим. Мазкур олийгоҳда ҳам назарий, ҳам амалий билимларни чуқур эгаллаб, университетни аъло баҳоларга битирдим. Иш фаолиятимни прокуратура органлари тизимида бошлаш мақсадида ҳужжатларимни топширдим. 2017 йилнинг ноябрь ойидан иш фаолиятимни Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туман прокурорининг катта ёрдамчиси лавозимида иш ўрганувчиликдан бошладим. Иш ўрганиш давомида прокуратура ходимларига юклатилган вазифаларнинг қанчалик масъулиятли ва машаққатли эканлигини, қабул қилинаётган ҳар бир қарор замирида инсон тақдири туришини англаб етдим. Шу сабабдан, "етти ўлчаб, бир кесишни" ўз фаолиятимда мезон қилиб олдим.

Мустабид тузум даврида одамлар прокуратура органларига фақат қораловчи, жазоловчи тизим сифатида қараганини биламиз. Аммо, сўнгги йилларда муҳтарам Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев ва халқимиз томонидан прокуратура органларига юксак ишонч билдирилаётганлиги бу тизим тубдан ўзгариб, халқимиз ҳимоячисига айланганлигидан далолат беради.

2018 йилнинг 30 ноябрь куни Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасида ёш мутахассислар қасамёд қабул қилишди. Бу тантанада мен ҳам қатнашдим. Прокуратура органининг ходими сифатида мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқаро, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга, жисмоний ва юридик шахсларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга ҳамда қасамёдимга содиқ қолишга ваъда бераман.

**Отабек ЗАРИПОВ,**
Тўрткўл туман прокурорининг катта ёрдамчиси лавозимида иш ўрганувчи



HUQUQ
YURIDIK GAZETA

Muassis:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Erkin YULDASHEV, Halim BOLTAYEV, Djaxongir MIRSAFAYEV, Surayyo RAHMONOVA, Baxtiyor NAZAROV, Kamoliddin ASQAROV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40,
Faks: 233-10-53, 233-64-85
Web site: www.huquq.uz
E-mail: huquq@huquq-gazeta.uz

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi.
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallari ko'chirib bosilganda manbaa sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
[T] — tijorat materiali.

Nashr ko'rsatkichi
231

Buyurtma v-3014. 20 626 nusxada bosildi.
Qog'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: F.YODGOROVA
Sahifalovchi: S.BABAJANOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617

# Қутлуғ ёшингиз муборак бўлсин!



**Кўп йиллар прокуратура, Бош прокуратура ҳузуридаги Департамент органларида фаолият юритган, айни вақтда Мажбурий ижро бюроси тизимида фаолиятини давом эттираётган Тоштемир Саидов 60 ёшни қарши олди.**

У меҳнат фаолиятини Қашқадарё вилояти Китоб туман прокурори ёрдамчиси лавозимидан бошлаб, туман прокуратураси терговчиси, Қашқадарё вилоят прокуратураси алоҳида муҳим ишлар бўйича бош терговчиси, Чироқчи туман прокурори, Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори, Тошкент шаҳар прокуратураси бош терговчиси, Юнусобод туман прокуратураси терговчиси, Департаментнинг Қашқадарё вилоят бошқармаси бўлим суриштирувчиси, Қарши шаҳар бўлими бошлиғи, шунингдек, Департаментнинг Қибрай тумани, Чирчиқ шаҳар, Ўртачирчиқ ва Оҳангарон туман бўлимларида турли лавозимларда хизмат қилиб келди.

Шундан сўнг ўз фаолиятини Мажбурий ижро бюросида давом эттириб, Бюронинг Зангиота туман бўлими бошлиғи ўринбосари, айни вақтда эса Бюронинг Деҳқонобод туман бўлимида давлат ижрочиси лавозимида фаолият юритмоқда.

У фаолияти жараёнида фидокорона меҳнати, ташкилотчилиги, камтарлиги, касбга бўлган садоқати, тажрибали мураббий эканлиги ва бошқа қатор инсоний фазилатлари билан жамоа орасида ҳурматга сазовор бўлди.

Ҳурматли Тоштемир Амантурдиевич, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Фарзандларингиз, набира ҳамда эвараларингиз бахтига доимо омон бўлинг. Сизга ва оила аъзоларингизга мустаҳкам соғлик, оилавий тинчлик ва фаровонлик тилаб қоламиз!

**Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси жамоаси**

MINNATDORLIK MAKTUBLARI



## Кредит муаммоси ҳал бўлди

**Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 22 декабрда мамлакатимиз тарихида илк бор янги амалиёт сифатида Олий Мажлисга Мурожаатнома шаклидаги дастурий маъруза билан чиқиш қилган эди.**

Унда илгари сурилган барча фикрлар, ғоялар ва ташаббуслар ягона эзгу мақсад — халқимизга фаровон турмуш шароити яратиш, юртимизни ҳар томонлама тараққий эттиришга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.

Шунингдек, Президентимизнинг 2017 йил 17 ноябрда "Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"-ги Қарори қабул қилинди ва унинг ижросини таъминлаш мақсадида 2018 йилнинг 6-10 сентябрь кунлари Шаҳрисабз шаҳрида I Халқаро мақом санъати анжумани ўтказиладиган бўлди.

Юқорида қайд этилган Мурожаатнома ва қарордан руҳланиб, мен ҳам тадбиркорлик билан шуғулланиш, янги иш ўринлари яратиб, аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида Шаҳрисабз шаҳрида меҳмонхона қуриш учун банкдан 2 миллиард сўм кредит олмоқчи бўлдим. Бироқ қанча елиб-югурмай, бунинг уддасидан чиқолмадим. Шундан сўнг бу ҳақда Қашқадарё вилоят прокуратурасига ариза билан мурожаат қилишга мажбур бўлдим.

Прокуратуранинг аралашуви билан 2 миллиард сўм миқдорида кредит олиб, 60 ўринли меҳмонхона қурдим. Унинг ёнидан бассейн, сауна ва соғломлаштириш марказини қурдим. Меҳмонхонани мақом санъати фестивали бошланиши олдидан ишга туширдим. Натижада биринчи меҳмонларимиз шаҳримизда ўтказилган мақом санъати фестивали иштирокчилари бўлди.

Мен Қашқадарё вилоят прокуратурасига чин кўнгилдан миннатдорлик билдираман.

**Замшид АБДУРАШИДОВ,**
Шаҳрисабз шаҳридаги "Кеш — азиз — шифо" МЧЖ раиси

## Қулайлик учун ташаккур

**Куни кеча Фарғона туманидаги Чек-шўра қишлоғида Мажбурий ижро бюроси туман бўлими янги қурилган биносининг очилиш маросими бўлиб ўтди.**

Туманимизда 20 тадан ошиқ қишлоқ бўлиб, 200 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Бино замонавий услубда қурилган бўлиб, ходимлар ҳамда фуқароларга барча қулайликлар яратилган. Янги техника ва мебеллар билан жиҳозланган. Фуқаролар илгари ишларини битказишга 5-6 соат вақт кетгазган бўлишса, энди 1-2 соатда битиришмоқда.

Биз учун бундай қулайликларни яратишда катта ёрдам қилган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси раҳбариятига, вилоят, туман прокурорларига Фарғона туманидаги катта-кичик фуқаролар номидан миннатдорлик билдирамиз. Шарафли, аммо машаққатли касбларида омадлар тилаймиз.

**М.КЕНЖАЕВ,** меҳнат фахрийси

## Биз ишончли ҳимоядамиз

**Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун Бухоро туман ҳокимининг 2017 йил 27 декабрдаги қарори билан бир савдо дўкони эгаллаган 286,44 квадрат метр ва атрофидаги 120 квадрат метр ер майдони учун менга доимий фойдаланиш ҳуқуқи берилган эди.**

Мен ҳамма керакли ҳужжатларни тўғирлаб, қурилиш ишларини бошладим. Аммо бу ишларга рухсат берган туман ҳокимлиги кейинчалик қурилиш ишларимга тўсқинлик қилди. Шундан сўнг қурилиш ишлари тўхтаб қолди. Бу муаммога ечим топиш учун мен Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига мурожаат қилдим.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, адолатпарварлик, меҳнатсеварлик натижасида барча важлар қонуний кўриб чиқилиб, менга амалий ёрдам берилди.

Шу муносабат билан Бухоро вилоят прокурори ва туман прокурорига ўз миннатдорлигимни билдираман. Тадбиркорлар учун ишончли ҳимоя борлигига яна бир бор амин бўлдим.

**Муҳаббат САИДОВА,**
Бухоро вилояти

SPORT

## Ғалаба билан бошланди

**Кечадан Ўзбекистон миллий терма жамоаси БАА давлатида давом этаётган Осиё кубогида ўз иштирокини бошлади ва қийин ўтган баҳсда ғалабага эришди.**

Осиё кубоги гуруҳ босқичи 1-туридан ўрин олган Ўзбекистон ҳамда Уммон терма жамоалари ўртасидаги баҳс рақибларнинг устунлигида ўтди. Терма жамоамиз аъзолари асосан рақибни кутиб олиб, қарши ҳужумдан унумли фойдаланиш ҳаракатида бўлишди. Бироқ, бу интилишлар режа қилинганидек чиқавермади, қачонки, ҳамюртларимиз рақиб жарима майдони яқинида жарима зарба ишлаб олгунларига қадар. Ўйиннинг 34-дақиқасида терма жамоамиз сардори Одил Аҳмедов жарима зарбасини аниқ амалга ошириб, ҳисобни очди. Биринчи бўлим шу ҳисобда якунланди.

Иккинчи бўлимда уммонликлар ҳужумкорликни янада кучайтиришди. Айрим вазиятларда терма жамоамиз посбони Игнатий Нестеров дарвозамиз дахлсизлигини сақлаб қолган бўлса, бошқа ҳолатларда уммонликларнинг ўзи аниқ зарба йўллай олишмади. Аммо, уларнинг уринишлари бесамар кетмади. Учрашувнинг 72-дақиқасида уммонликларнинг захирадан майдонга тушган футболчиси ҳисобни тенглаштирди.

Шу куни ҳар икки жамоада захирадан ўйинга қўшилганларнинг омади чопди. Терма жамоамиз таркибида Марат Бикмаевнинг ўрнига майдонга тушган Элдор Шомуродов ўйиннинг 86-дақиқасида ҳисобни 2:1 кўринишига келтиришга эришди. Шу тариқа терма жамоамиз қийин кечган ўйинда ғалаба қозонди.

**Осиё кубоги-2019. "F" гуруҳи, 1-тур**

**Ўзбекистон** – Уммон — 2:1

**Голлар:** Одил Аҳмедов (34-дақиқа), Элдор Шомуродов (86-дақиқа) — Муҳсин ал-Ғассаний (72-дақиқа)

REKLAMA

### «Samarqand mulk markazi» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли қарорига мувофиқ ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалининг 2019 йил 4 январдаги 2-сонли буюртманомасига асосан Самарқанд шаҳри, А.Темур кўчаси 47-А-уйда сақланаётган, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 30 463 NAA, техник носоз бўлган «Тико» русумли автотранспорт воситаси – 1 876 000 сўм бошланғич баҳода очиқ аукцион савдоларига қўйилмоқда.

**Аукцион савдоси 2019 йил 11 февраль куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.** Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Ушбу автомашина 11 февраль куни сотилмаган тақдирда, **такрорий савдолар 18 февраль ва 25 февраль** кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда соат 18:00 да тўхтатилади. Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Талабгорлар автомашина бошланғич баҳосининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини АТИБ "Ипотека банк" Кўксарой филиалидаги 20208000804942465001, МФО:00262, ИНН:302129857 ҳ/р.га тўлашлари шарт.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Самарқанд шаҳар, М.Қошғарий кўчаси, 58-уй, 2-қават. Тел: (66) 233-80-13. Гувоҳнома №05496.**

**Хизматлар лицензияланган**

**ТУЗАТИШ**

«Huquq» газетасининг 2018 йил 20 декабрдаги 51(1144)-сонида **""BEST AUTO AUKSION" МЧЖ Самарқанд минтақавий филиали бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!" сарлавҳаси остида чоп этилган хабарномадаги** "такрорий савдолар 2019 йил 5 ва 20 январь кунлари соат 11:00 да ўтказилади" жумласи "такрорий савдолар 2019 йил 5 ва 20 февраль кунлари соат 11:00 да ўтказилади" тарзида ўқилсин.

"BEST AUTO AUKSION" МЧЖ Самарқанд минтақавий филиали маъмурияти

### Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Сирдарё вилоят прокуратураси жамоалари вилоят прокурори Равшан Машариповга волидаи муҳтарамаси

**Гулсара ая**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

---

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси Гулчеҳра Турсуновага волидаи муҳтарамаси

**Эътиборхон ТУРСУНОВА**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

---

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ва Сурхондарё вилоят бошқармаси жамоалари Бюронинг Денов туман бўлими бошлиғи

**Азамат ҲАМДАМОВ**нинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.



**Қатарни 2022 йилда бўладиган ЖЧга тайёрлаш мумкин. Арсен Венгерга топширилиши**